№ 25 (206) • 2009 йил 15 июнь

Иқтисодий–ҳуқуқий газета
# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИ ОЛИБ КИРИШГА ДОИР

**Президентнинг 2009 йил 1 июндаги «Жисмоний шахслар томонидан истеъмол товарларини олиб киришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-1118-сон қарори** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)* билан ўрнатилган тартибга мувофиқ, 2009 йил 2 июндан бошлаб қўшни давлатлардан шахсий фойдаланиш учун жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистонга бир йўла олиб кириладиган импорт истеъмол товарларининг бож тўловлари олинмайдиган умумий қиймати аввалгидек 20 эмас, балки 10 АҚШ долларини ташкил этади. Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб кираётган жисмоний шахсларга нисбатан товарларни бож тўловларисиз олиб кириш нормалари татбиқ этилмайди.



### БИТИМЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

**Президентнинг 2009 йил 4 июндаги ПҚ-1124-сон қарори** билан Ўзбекистон ҳукумати билан Уммон Султонлиги ҳукумати ўртасида 2009 йил 30 март куни Тошкент шаҳрида имзоланган «Даромадларнинг икки ёқлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисида»; «Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида»ги битимлар тасдиқланди.

### ГУМАНИТАР ЁРДАМ УЧУН ШАКЛ

**Молия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2009 йил 30 майда 1960-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Молия вазирлиги Ғазначилигига инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш воситаларини олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш қоидалари тасдиқланди.** Чунончи, грант олувчилар ҳужжат билан тасдиқланган шаклга мувофиқ банк ҳисобварақларидан кўчирмалар ва инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситалари тўғрисидаги маълумотларни мажбурий тартибда тақдим этадилар. Шакл миллий валюта ва АҚШ долларида тўлдирилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигига тақдим этилаётган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун грант олувчилар раҳбарлари ва бош бухгалтерлари жавобгардирлар.

**2009 йил 9 июндан кучга кирди.**

### ИЖАРА УЧУН НИЗОМ

**Молия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2009 йил 1 июнда 1961-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Бухгалтерия ҳисобида ижара операцияларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Низом мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларга (бюджет ташкилотлари, банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари) татбиқ этилади. Ҳужжат билан ижарага берувчида (лизингга берувчида) ва ижарага олувчида (лизингга олувчида) молиявий ижара бўйича операцияларнинг ҳисоби ҳамда оператив ижара ҳисобига оид масалалар тартибга солинган.

**2009 йил 11 июндан кучга кирди.**

### БИТИРУВЧИЛАР АТТЕСТАЦИЯСИ

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2009 йил 5 июнда 1963-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида низом тасдиқланди.**

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари ўқув жараёни жадвалига мувофиқ якуний давлат аттестация комиссиялари томонидан ўтказилади. Ўқув дастурларини ўзлаштиришда катта ютуқларга эришган ва ўқув режасидаги барча фанларнинг камида 3/4 қисми бўйича 86 балл ва ундан юқори ўзлаштириш кўрсаткичларига эришган (бошқа фанлар бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи 71 баллдан кам бўлмаган), шунингдек, якуний давлат аттестацияси синовларининг ҳар бири бўйича камида 86 балл ўзлаштириш кўрсаткичларига эга бўлган бакалавриат битирувчисига «имтиёзли» диплом берилади.

**2009 йил 2 сентябрдан кучга киради.**

**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 30 майдан 5 июнгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 23-сони асосида тайёрланди.**

***Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.***

***Яқинда Тошкент шаҳар статистика бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси кўмагида «Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган фармон ва қарорларини бажариш бўйича давлат статистика органларининг фаолиятини ташкил этиш» мавзусида республика семинар-тренинги ўтказилди.***

***Унда 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси статистика органларининг вакиллари иштирок этдилар. Тренинг иштирокчиларини Давлат статистика қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Б.ТЎРАЕВ қутлади.***

## ТУЗАТГАНДАН КЎРА ОЛДИНИ ОЛГАН ЯХШИРОҚ

Семинарда тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш (хусусан, 2009 йилда Тошкент шаҳар давлат статистика органлари томонидан ўтказилаётган текширувлар сони 60%га қисқартирилди); Президентнинг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» қарори *(2005 йил 15 июндаги ПҚ-100-сон)* ва «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонининг *(2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сон)* ижроси; тадбиркорлик субъектлари билан профилактика ишини ташкил қилиш масалалари кўрилди.

Семинар-тренинг профилактика тадбирларининг самарадорлигини намойиш этди. Тошкентдаги барча туман статистика бўлимларида махсус стендлар жиҳозланган бўлиб, уларда қонун ҳужжатлари, республика Президенти ва ҳукуматининг қарорлари, шунингдек давлат статистика ҳисоботини тақдим этиш бўйича тушунтиришлар ва хўжалик юритувчи субъектларга тавсиялар илиб қўйилган.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонун (2002 йил 12 декабрдаги 441-II-сон) бузилишининг олдини олиш учун Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ҳар чоракда оммавий ахборот воситалари – газеталар, радио ва телевидениеда давлат статистика ҳисоботини тақдим этишнинг мажбурийлиги тўғрисида эълонларни, шунингдек уларни тўлдириш бўйича тушунтиришларни жойлаштиради. Кейинги вақтда ҳисобот берувчи ташкилотларнинг раҳбарлари ва бухгалтерлари учун семинарлар ўтказишга катта эътибор беріляпти. Чунончи, I чоракда пойтахтнинг барча туманларида янги жорий этилган статистика шаклларини тўлдиришга бағишланган ихтисослашган мавзувий семинарлар бўлиб ўтди, уларда тадбиркорлик субъектларининг 570 дан ортиқ вакили иштирок этди. Бошқарма ходимлари бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари – ДСБ, Савдо-саноат палатаси, прокуратура, адлия органлари томонидан ўтказилаётган семинарларда фаол иштирок этишмоқда. «Ишонч телефонлари» мунтазам ишламоқда, юзага келган барча саволлар билан улар орқали мурожаат қилиш мумкин.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси тадбиркорлик вакилларининг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини оширишга йўналтирилган, бу эса ҳуқуқбузарликлар сонининг қисқаришига олиб келади, тақдим этилаётган статистика ҳисоботларининг сифати ва ишончли бўлишини таъминлайди.

***Динара КОМИЛОВА,***
***Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг бошлиқ ўринбосари.***

**Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг «ишонч телефонлари»: 150-10-02, 150-10-03, 150-10-05.**



**Диққат!**

**Сиз вақтингизни тежашни хоҳлайсизми?**
**Ортиқча харажатларга ҳам чек қўймоқчимисиз?**

**У ҳолда ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ таклиф этаётган**
**«Интерактив хизмат кўрсатиш» тизимидан фойдаланинг!**

Бунда Сиз:
– солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш;
– шахсий ҳисобварақдан кўчирма ва солиштирма далолатнома олиш;
– тегишли давр учун текшириш режа-жадвалидан кўчирма ва текширувчи орган ҳақида маълумот олиш;
– ўз саволларингизга Форумда жавоб олиш имкониятига эга бўласиз.
Тизимдан фойдаланишни истовчилар учун ўқув курслари ташкил этилган.

Тизимдан фойдаланиш учун Интернет тармоғида ***soliq.uz*** ёки ***hisobot.uz*** сайтининг «Интерактив хизматлар» саҳифасига кирилади.
Ушбу саҳифага кириш ва ундан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо калити ўзингиз рўйхатдан ўтган Давлат солиқ инспекциясидан олинади.

Тизим Ўзбекистондаги БМТ Ривожланиш Дастурининг молиявий кўмагида ишлаб чиқилган.
Маълумотлар учун телефон: **244-97-64, 244-97-66, 241-18-53.**
*Ўзбекистон Республикаси ДСҚ Янги технологиялар илмий-ахборот маркази.*

УШБУ СОНДА

1-бет Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар
2-бет Маслаҳатни юрист беради
3-бет Иш берувчининг хатолари
5-12-бетлар Янги қонун ҳужжатлари

**$1 = 1474,09 сўм €1 = 2061,81 £1 = 2349,40 сўм ¥10 = 149,81 сўм**

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2009
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Класкон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

## СУД ҲУЖЖАТИНИНГ ИЖРОСИ

**Хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан корхонанинг ҳисобрақамидан боқимонда суммаси ундирилди. Бироқ суд ижрочиларига келиб тушган ижро варақаси қонун билан белгиланган 5 кунлик муддат мобайнида ижро этилмаганлиги боис корхонанинг мансабдор шахслари – раҳбар ва бош бухгалтерга «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 82-моддасига кўра жарима солинган эди.**

**Хўжалик судининг ҳал қилув қарори назорат тартибида бекор қилинган ва янги қарор – даъвони қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинган.**

**1. Корхонанинг мансабдор шахслари корхонадан боқимонда суммасини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатининг қайтарма ижроси хусусида ариза билан қайси судга – умумий (фуқаролик, жиноий) ёки хўжалик судига – мурожаат қилишлари керак?**

**2. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори бажарилмаганлиги учун мансабдор шахсларга жарима солиш тўғрисида суд ижрочисининг қарори устидан қандай судга шикоят қилиш мумкин?**

**Корхона юристи.**

– **1.** Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси масаласи янги ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик суди томонидан ҳал қилинади. Агар суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорда унинг қайтарма ижроси тўғрисида кўрсатмалар бўлмаса, жавобгар биринчи инстанция судига тегишли ариза топширишга ҳақлидир. У кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқаради ва ташкилотнинг (фуқаронинг) аризаси бўйича ундирилган пул маблағлари, мол-мулкини ёки унинг қийматини қайтаришга ижро варақасини беради. Аризага аввал қабул қилинган суд ҳужжатининг ижросини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади *(Хўжалик процессуал кодексининг 220-моддаси)*.

**2.** «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг *(2001 йил 29 августдаги 258-II-сон, бундан кейин – 258-II-сон Қонун)* 86-1-моддасига кўра суд ижрочисининг қарори устидан шикоят у чиқарилганлиги тўғрисида хабардор қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда юқори турадиган органга (мансабдор шахсга) ёки:

– хўжалик суди томонидан берилган ижро ҳужжати бўйича чиқарилган қарорга ижро варақасини берган хўжалик судига *(258-II-сон Қонун 86-1-моддасининг биринчи қисми)*;

– умумий юрисдикция судига* – қолган ҳолларда *(258-II-сон Қонун 86-1-моддасининг иккинчи қисми)* тақдим этилиши мумкин.

Сизнинг раҳбариятингиз қандай судга мурожаат қилиши кераклигини белгилашга уриниб кўрамиз. Унга нисбатан 258-II-сон Қонуннинг 82-моддасига асосан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс *(бундан кейин – МЖТК)*нинг «Қарздорнинг ижро ҳужжатини ижро этмаслиги» деб номланган 198-1-моддасига мувофиқ маъмурий жазо қўлланган. Унинг 245-3-моддасига кўра МЖТКнинг 198-1-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахслари кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазоларни қўллашга ҳақлидир. Шуни таъкидлаш жоизки, суд ижрочиларининг мансабдор шахсларга нисбатан МЖТК 198-1-моддасини қўллаш ҳуқуқи нисбатан яқинда – «Ижро иши юритиш тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун *(2009 йил 14 январдаги ЎРҚ-199-сон)* қабул қилиниши билан вужудга келди.

МЖТКнинг 315-моддасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор устидан юқори турувчи орган (мансабдор шахс) ёки маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) **судьясига** шикоят қилиш мумкин. Шу тариқа, суд ижрочисининг хўжалик суди ҳал қилув қарори бажарилмаганлиги учун мансабдор шахсларга жарима солиш тўғрисидаги қарори устидан бош суд ижрочиси ёки жиноий ишлар бўйича туман (шаҳар) **судига** қарор чиқарилганлиги ҳақида хабар олинган кундан бошлаб ўн кун ичида шикоят қилиш мумкин.

***Елена ЕРМОХИНА,***
***«Norma» МЧЖ эксперт-юристи.***

**«Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг (1993 йил 2 сентябрдаги 924-XII-сон) иккинчи бўлимига мувофиқ умумий юрисдикция судларига қуйидагилар киради: Ўзбекистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, вилоят суди, Тошкент шаҳар суди, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) суди, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди, ҳарбий судлар.*

## БОҒДОРЧИЛИК ШИРКАТИ ҚОНУН НИГОҲИДА

***Паркент тумани ижроқўмининг 1988 йил 15 июлдаги қарори билан «Махсусқишлоқхўжаликмонтаж» трестининг «Олимп» боғдорчилик ширкати тузилган эди. Унга Тошкент вилоятининг Паркент туманида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, ўз аъзоларининг дам олиши ва соғлиғини сақлашни таъминлаш учун ер ажратилди. Ширкат устави тасдиқланди ва янги таҳрирда 2009 йил 3 январда қайта рўйхатдан ўтказилди.***

***Мен 1988 йил 29 июнда ширкатга аъзоман, ҳозирги вақтда унинг бошқаруви раисиман.***

***Жамият аъзолари устав талабларини бажармаганда таъсир кўрсатиш чораларига тааллуқли саволларга жавоб берсангиз.***

***1. Паркент туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази текширув ўтказди ва ширкатнинг айрим аъзолари ердан ноқонуний фойдаланаётгани тўғрисида далолатнома тузди. Унга асосан санитария ва экология талабларига риоя этмаганлик учун 2009 йил 5 майдаги қарор билан 84 120 сўм миқдорида жарима жазоси белгиланди. Чоралар кўрилганидан кейин ҳам ҳуқуқбузарликлар содир этилганда қандай таъсир чоралари кўрилиши мумкин?***

***2. 29 аъзоси бўлган ширкатнинг умумий йиғилишида 9 киши қатнашди, улардан 7 нафари ширкат аъзоси эмас. Унинг қарорлари қанчалик қонуний?***

***3. Ширкат аъзоси бўлган пенсионер унга далолатнома ва ширкат уставига асосан тегишли бўлган, майдони 0,6 гектар участка учун ер солиғини тўламаслик ҳуқуқига эгами?***

**А.Юсупов,**
**«Олимп» БУШ раиси.**

– Жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги масалалари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва Ер кодекслари, Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши ва Ўзбекистон касаба уюшмалари республика кенгашининг «Боғдорчилик ширкатларининг намунавий уставини тасдиқлаш тўғрисида» қарори *(1986 йил 26 августдаги 422-сон)* билан тартибга солинган бўлиб, у Ҳукумат қарорлари тўпламида *(1986 йил, 8-сон, 33-модда)* чоп этилган. Кўрсатилган ҳужжатларга мувофиқ жамоа боғдорчилигининг асосий вазифаси этиб жамоавий боғ яратиш, мева, сабзавотлар, резавор мева ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш, шунингдек фуқароларнинг маданий ҳордиқ чиқариши ҳамда уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

**1.** Ер участкасидан фойдаланиш тартибини бузиш масаласига тўхталсак. Ер кодекси 56-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритишлари учун фуқароларга умрбод мерос қолдириладиган эгалик қилиш ҳуқуқи асосида ер участкалари берилади. Унинг 40-моддаси 1-бандига кўра ер эгаси (ердан фойдаланувчи, ижарага олувчи) ердан унинг асосий мақсадига мувофиқ оқилона фойдаланиши, мазкур модданинг 5-бандига асосан эса у бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузмаслиги шарт.

Жамоа боғдорчилиги аъзоси, **ўзи қурган бино ва иншоотлар** (боғ уйи ва хўжалик-маиший қурилмалар) **мулкдори** сифатида, Фуқаролик кодексининг 172-моддасига кўра ўз мол-мулкидан фойдаланишда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаслиги керак, шунингдек фуқаролар соғлиғига ва атроф муҳитга зарар етказилишининг олдини олиши шарт. Бундан ташқари, у ички тартиб қоидаларига риоя этиши, санитария, экология ва ветеринария қоидаларини бузмаслиги, қўшни боғ участкаларидаги қулай дам олиш шароитларига зарар етказувчи ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслиги шарт *(Боғдорчилик ширкати намунавий уставининг 19-банди «д» кичик банди ва 28-бандининг «и» кичик банди)*.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, ўз ер участкаси ва мол-мулкидан фойдаланиш чоғида ширкат аъзосининг санитария ва экология талабларига риоя этмаслиги, ширкатнинг бошқа аъзоларига ноқулайликлар туғдириши далили ноқонуний ҳаракат деб ҳисобланади. Бундай ҳаракатлар қонун ҳужжатлари ва ширкат уставини бузиш деб баҳоланиши керак.

Ҳуқуқбузарларга нисбатан қуйидаги чоралар қўлланиши мумкин.

Биринчидан, агар шахс унга жарима солинганидан кейин ҳуқуқбузарлик содир этишни давом эттирса, у такроран маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бунда ҳуқуқбузарликнинг такроран содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади ва ҳуқуқбузарга нисбатан янада қаттиқроқ таъсир чораси қўлланади – унга энг кўп миқдорда жарима солиниши мумкин. Агар санитария назорати органлари текширув якунлари бўйича ҳуқуқбузарга ҳуқуқбузарлик сабаблари ва оқибатларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатма берган бўлсалар, ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаганлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-моддаси билан жавобгарлик назарда тутилган. Бундан ташқари, хатингиз мазмунига қараганда, нафақат санитария, балки экология меъёрларига ҳам риоя этилмаган. Ерларни чиқиндилар билан ифлослантириш далили ширкат аъзосини табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 65-моддасининг иккинчи қисмига биноан жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади. Уни такроран жавобгарликка тортиш Ер кодекси 36-моддаси биринчи қисмининг 8-банди ва 38-моддасига мувофиқ ундан ер участкасини олиб қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан, ҳуқуқбузарга нисбатан ширкат уставида назарда тутилган жамоавий таъсир чоралари ҳам кўрилиши мумкин. Масалан, ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва уларни тўхтатиш тўғрисида огоҳлантириш. Агар улар таъсир кўрсатмаса, Боғдорчилик ширкати намунавий уставининг 21-бандига мувофиқ мазкур масалани ширкат бошқаруви мажлисида олиб чиқиш ва ширкатни бошқарувчи ташкилот ёки ҳокимликка мазкур шахсни ширкатдан чиқариш тўғрисида илтимос этиш тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин.

**2.** Боғдорчилик ширкати аъзолари умумий йиғилишининг ҳуқуқий ваколати ва унинг баённомасини сохталаштириш масаласига келсак. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби ва шартлари, шу жумладан йиғилиш кворуми, овоз бериш тартиби ва қарорлар қабул қилиш масалалари унинг устави билан тартибга солиниши керак. Чунончи, ширкат намунавий уставининг 26-бандига кўра умумий йиғилиш, агар унда ширкат аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этса, масалаларни ҳал этишга ваколатли бўлади. Намунавий уставнинг 19 ва 26-бандларига кўра умумий йиғилиш қарорини қабул қилишда **фақат мазкур ширкат аъзолари** иштирок эта оладилар. Шу сабабли хатингизда кўрсатилган, 7 нафари ширкат аъзоси бўлмаган 9 киши (ширкатнинг 29 аъзосидан) ўтказган йиғилиш ҳақиқий эмас деб, у қабул қилган қарорлар эса юридик кучга эга эмас деб ҳисобланади.

**3.** Ширкат аъзоси бўлган **пенсионерни** ер солиғини тўлашдан озод этиш масаласига тўхталсак. Жисмоний шахслар, шу жумладан ёлғиз пенсионерлар учун ер солиғи бўйича имтиёзлар Солиқ кодекси 290-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган. Унинг иккинчи қисмига кўра имтиёзлар якка тартибда уй-жой қуриш ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкалари берилган жисмоний шахсларга татбиқ этилади. **Боғдорчилик ширкатларининг аъзоларига участкалар уй-жой қуриш** ва деҳқон хўжалигини юритиш **учун ажратилмаслиги** сабабли, **ер солиғи бўйича имтиёзлар ҳам уларга татбиқ этилмайди.**

***Улуғбек АЮБОВ,***
***эксперт-юрист.***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 9 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1176,03 | 1 Малайзия ринггити | 419,97 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2349,40 | 1 Польша злотийси | 454,14 |
| 1 Дания кронаси | 277,00 | 1 СДР | 2282,58 |
| 1 БАА дирҳами | 401,42 | 1 Туркия лираси | 960,95 |
| 1 АҚШ доллари | 1474,09 | 1 Швейцария франки | 1358,48 |
| 1 Миср фунти | 263,37 | 1 ЕВРО | 2061,81 |
| 1 Исландия кронаси | 11,82 | 10 Жанубий Корея вони | 11,75 |
| 1 Канада доллари | 1320,28 | 10 Япония иенаси | 149,81 |
| 1 Хитой юани | 215,66 | 1 Россия рубли | 48,03 |
| | | 1 Украина гривнаси | 193,65 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 11.06.2009 | 1 | 0,8039 | 1 | 1,1276 | 1 | 0,026 |
| Арманистон | 11.06.2009 | 1 | 370,17 | 1 | 519,46 | 1 | 11,97 |
| Беларусь | 12.06.2009 | 1 | 2827 | 1 | 3955,82 | 1 | 91,45 |
| Грузия | 11.06.2009 | 1 | 1,6463 | 1 | 2,3203 | 1 | 5,3231 |
| Қозоғистон | 12.06.2009 | 1 | 150,39 | 1 | 211,09 | 1 | 4,86 |
| Қирғизистон | 06.06.2009 | 1 | 43,3714 | 1 | 61,5592 | 1 | 1,4131 |
| Латвия | 12.06.2009 | 1 | 0,5 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0162 |
| Литва | 12.06.2009 | 1 | 2,4629 | 1 | 3,4528 | 10 | 7,9621 |
| Молдова | 11.06.2009 | 1 | 11,1733 | 1 | 15,7304 | 1 | 0,3611 |
| Тожикистон | 12.06.2009 | 1 | 4,4012 | 1 | 6,0861 | 10 | 1,4403 |
| Ўзбекистон | 09.06.2009 | 1 | 1474,09 | 1 | 2061,81 | 1 | 48,03 |
| Украина | 11.06.2009 | 100 | 761 | 100 | 1073,1622 | 10 | 2,4606 |
| Эстония | 11.06.2009 | 1 | 11,1479 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,360385 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

**УШБУ СОНДА:**


- **УСТУВОРЛИКЛАР**
  - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
  - Тузатгандан кўра олдини олган яхшироқ — *1-бет*
- **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
  - Суд ҳужжатининг ижроси
  - Валюталар курси — *2-бет*
- **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
  - Иш берувчининг хатолари
  - ДипИФР тингловчилари учун сўнгги қўнғироқ — *3-бет*
- **ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ**
  - Божхона қоидалари: А дан Я гача — *4-бет*

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**

– «Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;

– «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида».

**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**

– ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБҚ, ССВнинг «Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ИВ, ВМ ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг «Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДБҚнинг «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МББнинг «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори. — *5-12-бетлар*

- **top** — *13-16-бетлар*

**?** ***Корхонамизда ходимлар ва иш берувчи ўртасида жамоа шартномаси тузилган, унда, хусусан, қуйидагилар назарда тутилган: «Тарафлар ОАЖда сутка давомида икки сменали иш ва икки кун дам олинадиган 40 соатли иш ҳафтаси белгиланиши хусусида битимга келдилар. Смена бўлиб ишлайдиган ходимлар учун иш вақтининг жамланган ҳисоби белгилансин, бунда ҳисоб даври бир йилни ташкил қилади. Ҳисоб даври мобайнида иш соатларининг нормал сонидан ортиқча ишлаш бошқа дам олиш куни бериш билан компенсацияланади».***

***Шу йилдан бошлаб ходимларга ортиқча ишланган вақт учун бошқа дам олиш кунлари олинмаса, улар йил охирида бекор қилинади ва, албатта, ҳақ тўланмайди деб қатъий тарзда эълон қилинди. Иш берувчининг мазкур қарори қонунийми?***

**ОАЖ ходимлари жамоаси.**

# ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ ИШЛАШ ТЎҒРИСИДА

– Меҳнат кодексининг 123-моддасига кўра ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмаслиги шарти билан корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин. Яъни ходим учун иш вақти ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак. Олти кунлик иш ҳафтасида кундалик ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ошмаслиги лозим. Жамлаб ҳисобга олганда ҳисобга олиш даври бир йилдан, кундалик иш (смена) муддати эса ўн икки соатдан ошмаслиги керак. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш айрим тоифадаги ходимларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этиш хусусида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда жорий этилади[1].

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўлланиш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар жамоа шартномаси ва бошқа локал ҳужжатлар билан белгиланади.

Меҳнат кодексининг 157-моддасига мувофиқ иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Бироқ ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда бошқа дам олиш соатлари берилиши билан ҳам компенсацияланиши мумкин. Бу ҳолда бундай иш учун камида бир ҳисса миқдорида меҳнат ҳақи тўланади. Шу тариқа, иш берувчи иш вақтидан ташқари иш учун икки ҳисса миқдорида ҳақ тўлаши ёки ходимга **бир ҳисса миқдорида меҳнат ҳақи тўланадиган бошқа дам олиш куни** тақдим этиши шарт. Йил охирида олинмаган бошқа дам олиш кунларини бекор қилиш ва иш вақтидан ташқари ишга ҳақ тўламасликка у ҳақли эмас. Бундан ташқари, ушбу ҳолда жамоа шартномасининг шартлари ҳам бузилади, чунки унга тегишли ўзгартишлар киритилмаган.

Жамоа шартномасида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилиши нафақат тарафларнинг вакиллари томонидан, балки Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг органлари томонидан ҳам назорат қилинади. Меҳнат кодексининг 281-моддасига мувофиқ жамоаларга доир меҳнат низолари[2] фуқаролик ишлари бўйича туман (шаҳар) судида кўрилиши керак. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига кўра, агар иш берувчи меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузса, унга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солинади.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юристи.***

*[1]Ногиронларни, шунингдек аёлларни, шу жумладан ҳомиладор ва 14 ёшга тўлмаган боласи (16 ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни иш вақтидан ташқари ишларга жалб этишга фақат уларнинг розилиги билангина ва башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса ёки бундай иш она ва боланинг соғлиғи учун хавф туғдирмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса бўлган тақдирдагина, йўл қўйилади (МК 220-моддасининг бешинчи қисми, 228-моддаси). Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш қатъиян тақиқланади (МКнинг 245-моддаси).*

*[2] Жамоаларга доир меҳнат низолари (зиддиятлари) – иш берувчилар (иш берувчилар уюшмалари) ва ходимлар жамоалари (ходимларнинг вакиллик органлари) ўртасида меҳнатнинг янги шартларини белгилаш ва мавжуд шартларини ўзгартириш, **жамоа шартномалари ва келишувларини** тузиш, ўзгартириш ва **бажариш** юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир (МК 281-моддасининг биринчи қисми).*

NORMA®
*Мақолалар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди.*
ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29 E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

# ИШ БЕРУВЧИНИНГ ХАТОЛАРИ

**УЛАР НИМАЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН ВА УЛАРНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТУЗАТСА БЎЛАДИ**

***Дастлабки синов даврида иш берувчи ходимнинг меҳнатига мазкур лавозим учун штат жадвалида белгиланган миқдордан кам ҳақ тўлайди.***

### ХАТО НИМАДА?

Меҳнат кодекси (МК) 86-моддасининг биринчи қисмига кўра дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари, шу жумладан унга ҳақ тўлаш даражаси тўлиқ татбиқ этилади.

### ХАТОНИ БАҲОЛАШ ВА ЭҲТИМОЛИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Хато раҳбар – иш берувчи учун МЖТКнинг 49-моддаси бўйича жарима жазосига сабаб бўлиши мумкин.

Иш берувчини пул маблағларининг тўланмаган суммасини тўлашга мажбур этишлари мумкин. Унга бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун фоизлар берилиши ҳам истисно қилинмайди *(Фуқаролик кодексининг 327-моддаси, бундан кейин – ФК).*

### ХАТОНИ ТУЗАТИШ

Иш берувчи ходимнинг меҳнатига мазкур лавозим (ихтисослик) учун белгиланган миқдорда ҳақ тўлаши лозим.

***Иш берувчи ходимларга улар ишлаган шанбалик (ҳашар ва ҳоказо) учун иш ҳақи тўламайди, балки уларнинг розилигисиз ушбу суммаларни хайрия жамғармаларига (экология, ёшлар ва бошқалар) ўтказади.***

### ХАТО НИМАДА?

МК 154-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ иш берувчи ходимга бажарган иши учун ҳақни тўлаши шарт. Ходимга бажарган иши учун тегишли бўлган пул маблағлари унинг мулки ҳисобланади ва фақат у уларни хоҳишига кўра тасарруф қила олади. Хайрия ва бошқа жамғармаларга бадаллар МК 164-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган рўйхатда келтирилмаган. Шу сабабли ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ уларни фақат ходимнинг розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса – суднинг қарорига асосан ушлаб қолиш мумкин.

### ХАТОНИ БАҲОЛАШ ВА ЭҲТИМОЛИЙ ОҚИБАТЛАРИ

Бундай далил меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўпол бузиш ҳисобланади. Бир кунлик иш ҳақи суммасини хайрия жамғармаларига ўтказиш тўғрисида ходимнинг розилигини олмасдан буйруқни имзолаган корхона раҳбари (бошқа мансабдор шахси) МЖТКнинг 49-моддасига биноан жавобгарликка тортилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима қўлланиши мумкин.

Ғайриқонуний равишда ушланган пул маблағлари суммалари ходимга тўланиши керак. Суд иш берувчини ходимга бошқа шахсларнинг пул маблағларидан фойдаланганлик учун ушбу суммага фоизлар тўлашга мажбур қилиши мумкин *(ФКнинг 327-моддаси).*

### ХАТОНИ ТУЗАТИШ

Иш берувчи ходимлардан уларнинг ҳақини учинчи шахсларга ўтказиш тўғрисида ёзма розилик олиши керак. Агар бундай қилишга муваффақ бўлинмаса, пул маблағларини қайтариш лозим. Бундан кейин бу хил ушлаб қолишларни фақат ходимнинг розилиги бўлгандагина амалга ошириш даркор.

***«Norma» МЧЖ эксперт юридик бўлими.***

# ДипИФР ТИНГЛОВЧИЛАРИ УЧУН СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ

***Ўзбекистон Бизнес фанлари ўқитувчилари уюшмаси ўз фаолиятида биринчи марта ДипИФР (DipIFR (rus) курсларини ўтказди. Уларни битирувчилар имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, Европадаги энг йирик ва бутун дунёда эътироф этилган профессионал бухгалтерия ташкилоти бўлмиш Британия қасамёд қилган сертификатланган бухгалтерлар уюшмаси (АССА) таъсис этган Рус тилидаги молия ҳисоботи халқаро стандартлари бўйича мутахассислар дипломларини оладилар.***

Таҳсил 11 апрелдан 31 майгача давом этди. Уюшмада 31 майда бўлиб ўтган курснинг тантанали ёпилишида 16 тингловчига таҳсил сертификатлари топширилди.



Курс тингловчиларга МҲХСнинг энг муҳим жиҳатларини батафсил ўрганиш, уларни амалиётда қўллашдек ноёб имкониятни берди. ЎзБФЎУда ўқитиш сифати талабларига риоя қилиб, ташкилотчилар фаол машғулотлар муддатини 72 астрономик соатга қадар кўпайтирдилар (одатда 60 соат ўтилади); тажрибали сертификатланган тренерни, ўз билимларини 2008 йилда ДипИФР имтиҳонини муваффақиятли топшириши билан тасдиқланган CIPA сертификати соҳибини таклиф қилдилар; «АТС International» (Буюк Британия) ўқув материалларининг оригинал янгиланган версиясини харид қилдилар. Таълим учун ҳақ миллий валютада тўланганлиги ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Бунинг устига у Россия ва Қозоғистондаги худди шундай ўқитиш қийматидан 50%га кам бўлди.

Курс битирувчилари ДипИФР бўйича имтиҳонни Ўзбекистондан хорижга чиқмай топшира олишлари энг катта ютуқ бўлди. ЎзБФЎУ бошқаруви раиси **Дилноза Султонованинг** «АТС International» бош офиси вакиллари билан узоқ муддат давом этган қатъий музокаралари натижасида имтиҳонни Тошкентда топшириш тўғрисида келишувга эришилди. Имтиҳонни АССА ДипИФР (DipIFR (rus) имтиҳонини ўтказишга эксклюзив ҳуқуққа эга бўлган «АТС International» (Буюк Британия) қабул қилади.

ДипИФР курсини ўтган тингловчилар энди ўз билимларини ҳаётга татбиқ этадилар.

***Ўз ахборотимиз.***

*Солиқлар оламида*

# ИШ БЕРУВЧИГА ИШОНЧ СЕРТИФИКАТИ

**РФ Давлат меҳнат инспекцияси тадбиркорларга меҳнат қонунчилигига қандай риоя қилаётганликлари ва махсус «меҳнат декларацияси»ни қандай тўлдираётганликлари ҳақида ихтиёрий равишда хабар беришларини таклиф қиляпти.**

Қонунга тўлиқ риоя этувчи бизнесменларга фахрий совринлар берилади. Киров вилояти инспекцияси биринчи бўлиб шундай «меҳнат» ташаббускори бўлди, у Вятка савдо-саноат палатаси билан биргаликда «Иш берувчига ишонч сертификати» ишлаб чиқди. Дастурда иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлар 17 банддан иборат сўровномани тўлдирадилар. Кейин улар берган маълумотлар мутахассислар томонидан текширилади ва бизнесмен ўз номи ёзилган «ишонч сертификати»га эга бўлади.

Киров вилоятидаги бу ғоя мамлакатдаги бошқа минтақаларга ҳам тарқалди ва кейинчалик «меҳнат декларацияси» мажбурий тўлдириладиган ҳужжатга айланиши ҳам мумкин.

# АРХАНГЕЛЬСК ВИЛОЯТИ ЁҒОЧ ТАЙЁРЛОВЧИЛАРНИ ЖАЛБ ЭТАДИ

**Минтақа ўрмон соҳасига инвесторларни жалб қилиш, ёғочни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш туфайли қишлоқларга одамларни жалб этиш, ўрмондан фойдаланиш соҳасида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш – буларнинг ҳаммаси Архангельск вилоятининг 2009-2018 йилги ўрмон хўжалиги режаси лойиҳасига киритилган.**

Устуворликларнинг муҳим йўналиши кичик ва ўрта тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Кичик ўрмон хўжалиги корхоналари ва йирик корхоналар зоналар бўйича ажратилади, яъни уларнинг манфаатлари тўқнаш келмайди. Бундан ташқари, ўрмон фондининг ажратилган участкалари қонун ҳужжатлари доирасида 2018 йилга қадар ўрмон хўжаликларига бириктирилади, бу эса кичик ва ўрта бизнес корхоналарига барқарор ишлаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга имконият яратади.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

# АККРЕДИТАЦИЯНИ ТЎҒРИ РАСМИЙЛАШТИРИНГ



**?** ***Ўзбекистонда чет эл корхонаси ваколатхонасини аккредитациялашни расмийлаштиришга доир маслаҳат олмоқчи эдим.***

**Б.Шерматов.**
**Душанба шаҳри.**

– Бундай аккредитациялаш механизми хорижий тижорат ташкилотларининг **Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисида низом** *(Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 октябрдаги 410-сон қарорига 1-илова)* билан тартибга солинади. Чет эл тижорат ташкилотлари деганда чет эл давлатининг қонун ҳужжатларига мувофиқ хорижда ваколатхона очиш ҳуқуқига эга бўлган фирмалар, компаниялар, корпорациялар, жамиятлар, шерикликлар ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг бошқа ташкилий-ҳуқуқий шакллари тушунилади.

Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очишни хоҳловчи чет эл фирмаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига *(бундан кейин – аккредитацияловчи орган)* фирма бланкасида ваколатли шахс имзолаган ва чет эл фирмасининг муҳри билан тасдиқланган ёзма аризани ва унинг давлат (ўзбек) ёки рус тилидаги таржимасини тақдим этиши керак. Унда қуйидагилар кўрсатилади: чет эл фирмасининг фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумотлар*; Ўзбекистон Республикасининг корхона ва ташкилотлари билан амалий ҳамда бошқа алоқалар, тузилган, бажарилишига ваколатхона кўмак берадиган шартномалар ва битимлар тўғрисида батафсил ахборот; ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари; ваколатхонани очишга рухсат сўраладиган муддат.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1) тижорат ташкилотларининг ваколатхоналари бўйича – чет эл фирмаси рўйхатдан ўтказилган давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл фирмасининг таъсис ҳужжатлари; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ваколатхоналари бўйича – ваколатхона очиш ниятида бўлган органнинг мақоми ва ваколатларини белгилайдиган меъёрий ёки бошқа ҳужжат;

2) чет эл фирмасининг у жойлашган мамлакатда расман рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи, тегишли давлат органи томонидан берилган ҳужжат (давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси ёки савдо реестридан кўчирма);

3) чет эл фирмаси томонидан ваколатхона раҳбарига берилган, паспорт маълумотлари ва унга бериладиган ваколатлар тўлиқ кўрсатилган ишончнома;

4) чет эл фирмасининг раҳбарияти тасдиқлаган ва унинг муҳри қўйилган ваколатхона тўғрисида низом.

Ушбу ҳужжатлар белгиланган тартибда чет эл фирмаси рўйхатдан ўтказилган мамлакатдаги Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасида, у мавжуд бўлмаган тақдирда эса – чет эл фирмаси рўйхатдан ўтказилган давлатнинг Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассаси ёки дипломатик ваколатхонасида легаллаштирилиб, кейин Ўзбекистон Республикаси ТИВ консуллик бошқармасида тасдиқланиши керак. Улар давлат (ўзбек) ёки рус тилига нотариал тасдиқланган таржимаси билан бирга тақдим этилади.

Агар ҳужжатларнинг бир қисми чет эл фирмаси мамлакатининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса, мазкур фирма аккредитацияловчи органга Ташқи ишлар вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикасида чет эл фирмасини таъсис этган мамлакат дипломатик ваколатхонасининг тасдиқномасини тақдим этади;

5) нотурар жойнинг мулкдори бўлган Ўзбекистон Республикаси юридик ёки жисмоний шахсининг мазкур бинони ваколатхонага ижарага бериш ёки реализация қилишга тайёрлигини тасдиқлайдиган кафолат хати (ижарага бериш ёки реализация қилиш шартлари ва муддатини кўрсатган ҳолда). Агар кўрсатилган шахслар берилаётган бинони ижарага олувчилар ҳисобланса, кафолат хати ушбу жой мулкдори билан келишилиши керак.

Ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати – 10 иш куни. Ҳужжатлар регистр папкаларда рўйхат билан қабул қилинади. Қабул қилинган ҳужжатлар қайтарилмайди.

**Чет эл фирмасининг фаолияти тўғрисидаги ахборотда қуйидагилар кўрсатилиши керак: фирма бош офисининг манзили; телефон, телефакс, электрон алоқа; фирма раҳбарияти; фирмада банд бўлганлар (ходимлар)нинг умумий сони; фирма фаолиятининг предмети/турлари; охирги молия йилида фирманинг сотишлар ҳажми/обороти/товар обороти; фирма оборотида фаолият турларининг улуши (%); маҳсулот/товарлар номенклатураси; фирма эгалари ёки асосий акциядорлар тўғрисида маълумотлар; асосий бўлинмалар (шуъба фирмалар, филиаллар ва бошқалар/манзиллари ва фаолияти/); фирма тарихи (асосчилар, ривожланиш босқичлари ва бошқалар); бошқа маълумотлар (савдо русумлари, кўчмас мулкка эгалик, ишлаб чиқариш қувватларининг, транспорт воситаларининг мавжудлиги ва ҳоказо).*

*ХОРИЖДА*

*Божхона қоидалари: А дан Я гача*

# ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

Корея Республикасида «қизил» ва «яшил» йўлаклар тизими амал қилади. «Яшил» йўлак божхона божлари ва солиқлар солинмайдиган товарларни олиб ўтадиган шахслар учун мўлжалланган. Агар сиз олиб кираётган товарларингизни декларациялаш керак ёки керак эмаслиги хусусида шубҳалансангиз, эҳтимолий чалкашликларга йўл қўймаслик учун «қизил» йўлакни танлашни тавсия қиламиз. Декларацияланадиган товарлар шундай ўраб-жойланиши лозимки, зарурат туғилганда уларни божхона хизматчисига тақдим этиш осон бўлсин.

Чет кишилар багажини олиб ўтишдан сақланинг. Агар унда тақиқланган ёки олиб кириш чекланган товарлар борлиги аниқланса, айни уларни олиб ўтаётган шахс ҳуқуқбузарлик учун жавобгар бўлади.

Божхона органларига нотўғри ёки тўлиқсиз маълумот бериш тақиқланади. Бундай ҳаракатлар учун товарни мусодара қилишга қадар жазонинг турли чоралари назарда тутилган.





***Бож тўламасдан олиб кириш.*** Қиймати 400 АҚШ долларидан ошмайдиган товарлар Жанубий Кореяга божхона божлари ва солиқларни тўламасдан олиб кирилади. Товарлар лимитдан ортиқча олиб кирилган тақдирда божхона тўловлари фақат ошган суммадан ундирилади. Бундан ташқари, 1 литр алкоголли ичимлик (қиймати 400 АҚШ долларига етмаган); 2 унция (≈ 56,6 грамм) парфюмерия маҳсулоти; 200 дона сигарета; 50 дона сигара; 250 грамм тамакини бож тўламасдан олиб киришга йўл қўйилади.

Шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган кийим, пардоз анжомлари, шахсий заргарлик тақинчоқлари, шу жумладан қўл соатини, башарти улардан бошқа шахслар фойдаланмаса ва совға қилиш, сотиш ёки бошқа товарларга айирбошлаш учун мўлжалланмаган бўлса, бож тўламасдан олиб киришга йўл қўйилади.

Бир оила аъзоларига ҳар бир кириб келувчига тегишли квоталарни қўшишга рухсат берилади.

Совға қилиш учун мўлжалланган товарлар божхона божлари ва солиқларни тўлашдан озод қилинадиган 400 АҚШ долларига киритилади.

***Божхона тўловларини тўлаш.*** Белгиланган квоталардан ортиқча олиб ўтилаётган товарларни декларациялаш ва улар учун бож (унинг соддалаштирилган ставкаси ҚҚСнинг 20%идан 55%игача қисмини ташкил қилади, шунингдек махсус солиқлар) тўлаш зарур.

Божхона божлари ва солиқлар товарнинг шартнома қиймати (у сотиб олинган қиймат)га фоиз нисбатида ҳисоблаб чиқарилади. Агар уни аниқлаб бўлмаса, қиймат божхона хизматчисининг ўзи томонидан белгиланади. Тўловлар фақат Жанубий Корея вонларида* қабул қилинади. Шахс божхона тўловларини кредит картаси ёрдамида ёки бошқа усул билан тўлай олмайди.

Жанубий Кореяда сотиш учун мўлжалланган, белгиланган квоталардан ортиқча миқдордаги товарлар; умумий суммаси 10 000 АҚШ долларидан кўп бўлган чет эл валютаси ва бошқа тўлов воситалари; олиб кириш чекланган товарлар (совуқ қурол ва ўқотар қурол, уларга патронлар, портловчи моддалар; наркотик ва психотроп моддалар, шунингдек таркибида улар бўлган ҳар қандай препаратлар; махсус қўриқланадиган ва улардан фойдаланиш чекланган ёки тақиқланган ҳайвонлар материалларидан тайёрланган товарлар; олиб киришни карантин хизмати чеклаган товарлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳайвонот ва ўсимликлар олами материаллари); **Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (CITES)** ҳимоясидаги ҳайвонлар, ўсимликлар, шунингдек уларнинг ҳосиллари) ***декларацияланиши керак.***

***Чеклаш ва тақиқлар*** аҳоли хавфсизлиги ва давлат фаровонлигини таъминлаш, шунингдек миллий фауна ва флорани ҳимоя қилиш мақсадида товарларнинг айрим турларига жорий этилган. Уларни мамлакатга олиб кириш учун махсус рухсатнома олиш лозим. Порнографик мазмунли китоблар, мақолалар, тасвирлар, фильмлар ва бошқа материаллари; конституциявий тартиб, жамоат хавфсизлиги ва анъанавий негизларни бузувчи деб қараш мумкин бўлган ҳар қандай материалларни; қалбаки тангалар, банкноталар, оборот ҳужжатларини олиб кириш тақиқланган.

***Мамлакатдан чиқаётганда*** қиймати 400 АҚШ долларидан ошмайдиган товарларни, шунингдек 1 литр алкоголли ичимлик; 200 дона сигарета; 50 дона сигара; 2 унция (≈ 56,6 грамм) парфюмерия маҳсулоти; 250 грамм тамаки маҳсулотлари олиб чиқиб кетиш мумкин. 20 ёшдан катта шахсларга алкоголли ичимликларни, 19 ёшдан ошган шахсларга эса сигареталарни олиб чиқишга рухсат берилади.

Эквивалентда 10 000 АҚШ долларидан ошадиган суммада олиб чиқилаётган чет эл ёки Жанубий Корея валютаси декларацияланиши керак. Кореяда харид қилинган эсдалик буюмларни олиб ўтаётганда ҳайвон ёки ўсимликлардан тайёрланган материаллардан божхона хизматчиларига кўрикдан ўтказиш учун тақдим этиш тавсия қилинишини билиш лозим, чунки уларга нисбатан бирор-бир чеклаш ва тақиқлар амал қилиши мумкин.

**10 Жанубий Корея вони ≈ 12 сўм.*

***«Ташқи иқтисодий фаолият» бўлимини мухбиримиз Гулнора АБДУНАЗАРОВА олиб боради.***

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

– «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»;

– «Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБҚ, ССВнинг «Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг «Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МВ, ИВ, ВМ ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг «Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ДБҚнинг «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МББнинг «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАТБИҚ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 21-сон, 253-модда)*

Инновацион лойиҳалар ишлаб чиқувчиларини, шунингдек Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси доирасида танлаб олинган инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ қилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг грант сифатида 400 млн сўм миқдорида маблағ, шу жумладан кейинчалик уларни инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқувчиларга, шунингдек Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси якунларига кўра инновацион ишланмаларни татбиқ этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бериш учун Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармаси ҳисобига — 300 млн сўм ҳамда Савдо-саноат палатаси ҳисобига — 100 млн сўм ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, инновацион ишланмаларни танлаб олиш ва уларни молиялаштириш (қўшимча молиялаштириш) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2008 йил 15 июлдаги ПҚ–916-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркасини ўтказишни Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ деб аталади) билан келишган ҳолда амалга оширилади.

3. Белгилансинки:

инновацион ишланмаларни тугаллашга, тажриба саноат намуналарини яратишга, дастлабки лойиҳаларни амалга оширишга, шунингдек уларни давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотларга татбиқ этишга грант маблағлари ажратиш молиялаштириш шартларида амалга оширилади;

инновацион ишланмаларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат сифатида татбиқ этишга грант маблағлари ажратиш татбиқ этиш қийматининг 70 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда қўшимча молиялаштириш шартларида амалга оширилади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда патентлар, лицензиялар ва/ёки амалий фаолиятда инновацион ишланмалардан фойдаланиш хавфсизлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши инновацион ишланмаларни танлаб олишнинг асосий шартлари ҳисобланади;

ҳар бир аниқ ҳолатда грантлар ажратиш шартлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси (грант берувчи) билан инновацион лойиҳалар ишлаб чиқувчилар ҳамда инновацион лойиҳаларни татбиқ этаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида тузиладиган битимларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги:

бир ой муддатда ушбу қарорда назарда тутилган маблағлар ҳисобига уларнинг татбиқ этилишига грантлар

бериш учун инновацион ишланмаларнинг рўйхатини Мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ кўриб чиқиши учун киритсинлар;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда грантлар ажратиш бўйича уч томонлама намунавий битимлар лойиҳаларини ишлаб чиқсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 20 май*
*144-сон.*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 22-сон, 258-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ–1090-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия қилинсин.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 23 май*
*147-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2009 йил 23 майдаги 147-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 22 июндаги 264-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 6-сон, 31-модда) 3-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«белгиланган савдо қоидалари бузилган, назорат-касса машиналаридан фойдаланилмаган, тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш терминаллари билан жиҳозлаш ва тўловни пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда қабул қилишга доир белгиланган талаблар бузилган, шунингдек нақд пул маблағлари банк кассаларига ўз вақтида топширилмаган ҳолларда шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари солиқ органларининг тақдимномасига кўра чакана савдо учун берилган рухсатномаларнинг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб қўяди ёхуд ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки рухсатномаларни бекор қилиш тўғрисида судга мурожаат қилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда) билан тасдиқланган Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 19-бандга қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши қўшилсин:

«Савдо залининг майдони 150 кв. метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчаларида тўловни пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш терминалларининг мавжудлиги таъминланиши керак»;

б) 30-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Савдо залининг майдони 150 кв. метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчаларида тўловни пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш терминалларининг мавжудлиги таъминланиши керак»;

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қоидаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 13 февралдаги 75-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 15-модда):

а) 1-иловада:

21-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Савдо залининг майдони 150 кв. метрдан ортиқ бўлган турғун савдо шохобчаларида тўловни пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш терминалларининг мавжудлиги таъминланиши керак»;

189-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«товарлар, маҳсулотларни (хизматларни) чек (квитанция, счёт) бермасдан сотиш»;

ўнинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн

биринчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«қуйидагиларга:

тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартибига»;

ўн биринчи — йигирманчи хатбоши тегишли равишда ўн иккинчи — йигирма биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

14-бандга қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши қўшилсин:

«Барча ресторанларда, шунингдек иш ҳақи пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўланадиган корхоналар ва муассасалар ҳузуридаги умумий овқатланиш объектларида тўловни пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун тўловларни пластик карточкалар бўйича қабул қилиш терминалларининг мавжудлиги таъминланиши керак»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

25-бандда:

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«товарлар, маҳсулотларни (хизматларни) чек (квитанция, счёт) бермасдан сотиш»;

еттинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«қуйидагиларга:

тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартибига»;

саккизинчи — ўн тўртинчи хатбоши тегишли равишда тўққизинчи — ўн бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, СУД ОРГАНЛАРИ ВА НОТАРИАЛ ИДОРАЛАР ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАРИФ СЕТКАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА» 1996 ЙИЛ 12 АПРЕЛДАГИ 147-СОН ҚАРОРИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 22-сон, 260-модда)*

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этаётган мутахассисларнинг лавозим маошларини улар томонидан бажарилаётган функцияларга мувофиқлаштириш ҳамда ижро ишини юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига қуйидаги мазмундаги 24а-илова қўшилсин:

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорига*
*24а-ИЛОВА*

### ТУМАН (ШАҲАР) СУД ИЖРОЧИЛАРИ БЎЛИМЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЯГОНА ТАРИФ СЕТКАСИ БЎЙИЧА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ РАЗРЯДЛАРИ

| *Лавозимлар номи* | *Разряд* |
|---|---|
| Катта суд ижрочиси | 9 |
| Суд ижрочиси | 8 |

2. Ушбу қарор 2009 йил 1 июлдан бошлаб кучга киради.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 25 май*
*149-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ*

## ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ИМПОРТ ҚИЛИШДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ХОМ АШЁЛАР РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1952.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 19-20-сон, 240-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 211-моддасига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган

***2009 йил 18 майдан кучга киради.**

қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Ўзфармсаноат» ДАК-нинг 2006 йил 11 августдаги 7, 74, ЭГ-01/10-4572, 01-02/16-17, 6 ва 6-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 июлдаги ПҚ–416-сон қарори билан белгиланган имтиёзлар қўлланиладиган, четдан олиб келинадиган дори-дармон ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашё ва материаллар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2006 йил 16 август, рўйхат рақами 1612 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й. 33-сон, 335-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

***Иқтисодиёт вазири***
***Б.ХОДЖАЕВ.***
*5-3-6/28-сон*

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*53-сон*

***Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири***
***Э.ҒАНИЕВ.***
*ЭГ-01/10-2053-сон*

***Давлат божхона қўмитаси раиси***
***С.НОСИРОВ.***
*01-02/8-9-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 6 май.*

***Соғлиқни сақлаш вазири***
***Ф.НАЗИРОВ.***
*7-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 20 апрель.*

*Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2009 йил 6 майдаги 5-3-6/28, 53, ЭГ-01/10-2053, 01-02/8-9-сонли ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2009 йил 20 апрелдаги 7-сонли қарорига*
*ИЛОВА*

## ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ИМПОРТ ҚИЛИШДА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИГАН ХОМ АШЁЛАР РЎЙХАТИ

| Т/р. | Хом ашёлар номи | ТИФ ТН бўйича код (2007 йил тахмини) |
|---|---|---|
| 1. | E.coli. Назорат стандарт эндотоксин | 3822000000 |
| 2. | LAL - реагент суви | 2853001000 |
| 3. | LAL-тест реагент (Limulus амебоцит Лизат) | 3822000000 |
| 4. | N- акридосирка кислотаси | 2933999000 |
| 5. | N- метилглюкамин | 2922198000 |
| 6. | N, N-Диметилформамид | 2924190000 |
| 7. | Ҳаво тозалигини текшириш учун агар тасмалари | 3822000000 |
| 8. | Азитромицин дигидрат | 2941500009 |
| 9. | Акдизоль (Натрий кроскармелоза) | 3912310000 |
| 10. | Қорамол зардоби альбумини | 3502209900 |
| 11. | Амброксол | 2921309900 |
| 12. | Амлодипин бесилат | 2942000000 |
| 13. | Аммоний карбонат | 2836991700 |
| 14. | Амоксициллин тригидрат | 2941101000 |
| 15. | Ампициллиннинг натрийли тузи (ампициллин) | 2941102001 |
| 16. | Ампициллин тригидрат | 2941102002 |
| 17. | Анестезин (бензокаин) | 2922499500 |
| 18. | Априд, инъекция учун кукун | 3004101002 |
| 19. | Ананас ҳидли ароматизатор | 3302909000 |
| 20. | Аспартам, Свитли (қанд ўрнини босувчилар) | 2924299500 |
| 21. | Ацикловир | 2933399900 |
| 22. | Биологик индикаторлар (споралли тасмалар) | 3822000000 |
| 23. | Бриллиант кўки (бриллиант кўки кукуни) | 3204130000 |
| 24. | Бромгексин гидрохлорид | 2921301000 |
| 25. | Бир марта ишлатиладиган системалар ва шприцларни жойлаш учун газ ўтказувчи қоғоз | 4802552509 |
| 26. | Бир марта ишлатиладиган системалар ва шприцларни жойлаш учун босиб чиқарилган рулонлардаги қоғоз | 4811900000 |

| Т/р. | Хом ашёлар номи | ТИФ ТН бўйича код (2007 йил тахмини) |
|---|---|---|
| 27. | Бутанол (бутил спирти) | 2905130000 |
| 28. | Бутилгидроксианизол | 2907110000 |
| 29. | pH 4.00; pH 7.00; pH 10.00 (pH-метрни калибрлаш учун) буфер эритмаси | 3822000000 |
| 30. | Тиббиёт вазелини | 2712109000 |
| 31. | Ванилин | 2912410000 |
| 32. | Филм қоплама учун модда | 2823000000 |
| 33. | Винпоцетин | 2939990000 |
| 34. | Аммоний гидроксид ACS реактиви | 2814200000 |
| 35. | Гидроксопропил метил целлюлоза | 3912398000 |
| 36. | Гидроксопропил целлюлоза | 3912392000 |
| 37. | Гидрохлортиазид | 2934208000 |
| 38. | Глибенкламид | 2935009000 |
| 39. | Икки хлорли метилен (метиленхлорид); Дихлорметан 99,6% реактив ACS, дихлорметан ВЭЖХ учун, метилен хлорид (метилен хлорли) | 2903120000 |
| 40. | Икки асосли кальций фосфат | 2835261000 |
| 41. | Қайин қорамойи | 3807001000 |
| 42 | Декстран 40, 70 (субстанция) | 3913900000 |
| 43. | Диклофенак натрий | 2916340000 |
| 44. | Диметил сульфоксид (DMSO) | 2930908500 |
| 45. | Дихлорэтан (хлорли этилен) | 2903150000 |
| 46. | Диэтиламин | 2921195000 |
| 47. | Диэтиланилин (диэтилфениламин) | 2921429000 |
| 48. | Желатин | 3503001001 |
| 49. | Полиметилсилоксан суюқлиги | 3910000009 |
| 50. | Хантал кунжараси | 2306909000 |
| 51. | Изопропанол (изопропил спирти) | 2905120000 |
| 52. | Индометацин | 2933992000 |
| 53. | Итраконазол (пеллетлар, гранулалар) | 2933999000 |
| 54. | Ихтиол | 3824901000 |
| 55. | Кристаллик йод | 2801200000 |
| 56. | Калий марганцевокислый (калий перманганат) | 2841610000 |
| 57. | Калий бромид | 2827510000 |
| 58. | Калий йодид | 2827600000 |
| 59. | Кальций глюконат (моногидрат) | 2918160000 |
| 60. | Кальций левулинат | 2915609000 |
| 61. | Кальций хлорид (хлорли кальций, сувли кальций хлорид) | 2827200000 |
| 62. | Камфора (кукун, синтетик) | 2914210000 |
| 63. | Турли ўлчамдаги желатин капсулалар | 1905902000 |
| 64. | Нитрат кислотаси | 2808000000 |
| 65. | Борат кислотаси | 2810009000 |
| 66. | Клавулан кислотаси | 2941900009 |
| 67. | Лимон кислотаси | 2918140000 |
| 68. | Перхлорат кислотаси | 2811198000 |
| 69. | Салицил кислотаси | 2918210000 |
| 70. | Хлорид кислотаси | 2806100000 |
| 71. | Фосфат кислотаси (ортофосфат кислота) | 2809200000 |
| 72. | Фторит кислотаси (плавик кислота) | 2811110000 |
| 73. | Кларитромицин | 2941500009 |
| 74. | Силикон Колоид диоксиди (кремний диоксиди) (аэросил) | 2811220000 |
| 75. | Женьшень илдизи | 1211200000 |
| 76. | Валериана илдизпоялари ва илдизлари | 1211909800 |
| 77. | «Қизил Аллюра» бўёғи | 3204190000 |
| 78. | «Қизил ялтироқ (Wine red)» кандурин бўёқ | 3204190000 |
| 79. | Шойитрафарет жиҳоз учун типографик бўёқ | 3215190000 |
| 80. | Маккажўхори крахмали | 1108120000 |
| 81. | Гуруч крахмали | 1108191000 |
| 82. | Микроскопия учун кристаллик бинафша | 3204130000 |
| 83. | Хантал оқшоғи | 1207509000 |
| 84. | Ксангидрол, 99% ксантгидрол (9-ксантенол) | 2932998500 |
| 85. | Ксероформ | 2908190000 |
| 86. | Микроорганизмлар экинлари (штаммлар) | 3002905000 |
| 87. | Лактоза, сут қанди, Д-лактоза, лактоза моногидрат | 1702110000 |
| 88. | Озуқавий ламинария кукуни (денгиз карами) | 1212200009 |
| 89. | Ланолин (сувсиз) | 1505009000 |
| 90. | Левофлоксацин | 2933491000 |
| 91. | Лоратадин микронезид | 2933399900 |
| 92. | Магний стеарат | 2915703000 |
| 93. | Маннитол | 2905430000 |



НОРМА МАСЛАҲАТЧИ N 25 (206) • 2009 йил 15 июнь 6

| Т/р. | Хом ашёлар номи | ТИФ ТН бўйича код (2007 йил тахмини) |
|---|---|---|
| 94. | Канакунжут мойи | 1515309000 |
| 95. | Чаканда мойи | 1515909000 |
| 96. | Мегасеф инъекция 250 мг, 750 мг (цефуроксим натрий) | 3004209009 |
| 97. | Мис сульфат (мис купороси) | 2833250000 |
| 98. | Мелбек 15 мг, 1,5 ампула | 3004909909 |
| 99. | Мелоксикам | 2934100000 |
| 100. | Ментол, рацемик ментол | 2906110000 |
| 101. | Метронидазол | 2933299000 |
| 102. | Метанол (шу жумладан ВЭЖХ учун) | 2905110000 |
| 103. | Метилпарабен (натрий метилпарабен, натрий гидроксибензоат, натрий метилпарагидроксибензоат) | 2918293000 |
| 104. | Метилцеллюлоза | 3912398000 |
| 105. | Мочевина | 3102109000 |
| 106. | Сув дионизациясининг модуль-фильтри | 8421210001 |
| 107. | Натрий карбоксиметилцеллюлоза | 3912310000 |
| 108. | Натрий цитрат - 5,5 суви | 2918150000 |
| 109. | Натрий бензоат | 2916310000 |
| 110. | Натрий гептансульфонат моногидрат | 2904100000 |
| 111. | Натрий гидрокарбонат, натрий бикарбонат | 2836200000 |
| 112. | Натрий крахмал гликолят | 3505105000 |
| 113. | Натрий лаурил сульфат | 2920901000 |
| 114. | Натрий стеарил фумарат | 2915703000 |
| 115. | Нафталин | 2902901000 |
| 116. | Кумуш нитрати | 2843210000 |
| 117. | Нобесид 750 мг таблеткалар | 3004101002 |
| 118. | Рух оксиди | 2817000000 |
| 119. | Этилен оксиди (этиленоксид) | 2910100000 |
| 120. | Темир оксиди | 2821100000 |
| 121. | Омепразол микропеллет | 2933299000 |
| 122. | Ондансетрон гидрохлорид дигидрат | 2933299000 |
| 123. | Лойқалик оптик стандарти | 3822000000 |
| 124. | ПВХ пакетлари стерилланган (поливинилхлорид) | 3923291000 |
| 125. | Парафин | 2712209000 |
| 126. | Пирацетам | 2933790000 |
| 127. | ПВХ плёнкаси (1мм дан қалин бўлмаган) | 3920431000 |
| 128. | Уч қаватли полиолефинлар асосида соэкструзион плёнка (полипропилен ва полиэтилен аралашмасидан тайёрланган) (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган) | 3921906000 |
| 129. | Полиамид PA 6,6 (Ultramid ) natural | 3908100000 |
| 130. | Тиббий куйимолекуляр поливинилпирролидон 12600 –+ 2700, 8000 +– 2000, Поливинилпирролидон К-30, К-25, Повидон К-30, Кросповидон (коллидон) | 3905999010 |
| 131. | Пластифицирланган поливинилхлорид, ПВХ пластикат (поливинилхлорид PVC) | 3904220000 |
| 132. | Гранулаланган полипропилен (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган) | 3902100000 |
| 133. | Полиэтиленоксид (полиэтиленгликол) 1500, 400 | 3907201100 |
| 134. | Хантал кукуни | 2103301000 |
| 135. | Прежелатинланган крахмал | 3505109000 |
| 136. | Пропиленгликоль | 2905320000 |
| 137. | Драгендорф реактиви | 3822000000 |
| 138. | Фолин - Чикалтеу реактиви | 3206500000 |
| 139. | Референс препаратлар (ОСО БЦЖ, лойқалик ОСО БЦЖ) | 3822000000 |
| 140. | Рибофлавин | 2936230000 |
| 141. | Рокситромицин | 2941500009 |
| 142. | Алюминийли ронделлар | 7616999009 |
| 143. | Симоб ацетати | 2915290000 |
| 144. | Сальбутамол сульфат | 2922198000 |
| 145. | Секразол, флакондаги қиём | 3004909909 |
| 146. | Силденафил цитрат | 2933599500 |
| 147. | Силикон мойи, тиббиёт силикон суюқликлари | 3910000009 |
| 148. | Симвастатин | 2907290000 |
| 149. | Синтомицин | 2941400009 |
| 150. | Сирғанувчи қўшимчалар (олеин кислотаси амиди) | 3823120000 |
| 151. | Эпоксид елими | 3907300000 |
| 152. | Сополимер EVA (этилвинилацетат) | 3901300000 |
| 153. | Сополимер АБС (акрил бутадиен-стирол) | 3903300000 |
| 154. | Стандарт суюлтирилганда тозаланган туберкулинни специфик фаоллигининг стандарт намунаси (2ТЕ, 5ТЕ, 10ТЕ, 25ТЕ, 125ТЕ) | 3822000000 |
| 155. | Стеарин кислотаси | 2915702500 |
| 156. | Сульбактам натрий | 2941102009 |

| Т/р. | Хом ашёлар номи | ТИФ ТН бўйича код (2007 йил тахмини) |
|---|---|---|
| 158. | Сульмициллин тосилат | 2941109009 |
| 159. | «Masterbatch» маркали суперконцентратлар (бўёқлар) ва аналоглари | 3204190000 |
| 160. | Сульфаметоксазол | 2935009000 |
| 161. | Тайлол Колд, флаконларда қиём | 3004409000 |
| 162. | Тальк | 2526200000 |
| 163. | Текназол капсула | 3004909909 |
| 164. | Теофиллин гранулалар | 2939590000 |
| 165. | Термопласт эластомер | 4002192000 |
| 166. | Тетрабутиламмоний водородсульфат | 2923900000 |
| 167. | Тетрабутиламмоний гидроксид | 2923900000 |
| 168. | Тетрагидрофуран | 2932110000 |
| 169. | Суюқлик, қон ва вентиляцион мембраналар фильтрлари учун мато | 5911909000 |
| 170. | Толуол | 2902309000 |
| 171. | Тринатрий дигидрат цитрат | 2918150000 |
| 172. | Триэтиламин | 2921191000 |
| 173. | Триметоприм | 2933599500 |
| 174. | Улкарил крем, тубаларда | 3004909909 |
| 175. | Фенофибрат гранулалар | 2903309900 |
| 176. | Калий ферроцианид | 2837200000 |
| 177. | Фильтр PTFE | 8421290009 |
| 178. | Қоғоз фильтр | 4823200000 |
| 179. | Sartorius ва Millipore фирмаларининг фильтрлари | 8421210001 |
| 180. | Флуконазол | 2933399900 |
| 181. | Флуоксетин | 2921198000 |
| 182. | Алюминий фольга (0,021 мм дан қалин бўлмаган) | 7607111000 |
| 183. | Алюминий фольга 176 мм, 186 мм (қалинлиги 0,021 мм – 0,2 мм) | 7607199900 |
| 184. | Иссиқ босма нақш учун пигмент фольга | 3212109000 |
| 185. | Фталальдегидли реагент | 2912290000 |
| 186. | Фунистатин кукун 7,5 гр. суспензия (нистатин) тайёрлаш учун | 3004209009 |
| 187. | Темир (III) хлориди кристаллик | 2827392000 |
| 188. | Кобальт (II) хлориди олтисувли | 2827398500 |
| 189. | Цефазолин натрий | 2941900009 |
| 190. | Цефаперазон | 2941900009 |
| 191. | Цефуроксим аксетил | 2941900009 |
| 192. | Циклогексан | 2902110000 |
| 193. | Рух хлорид | 2827398500 |
| 194. | Циннаризин | 2933599500 |
| 195. | Ципрофлоксацин (ципрофлоксацин лактат) (ципрофлоксацин гидрохлорид) | 2933491000 |
| 196. | Штамм BCG-1 (БЦЖ-1), БТВ Ту-2 4446S/typhy | 3822000000 |
| 197. | Эмульгатор №1 | 2905599900 |
| 198. | Эналаприл малеат | 2933999000 |
| 199. | Этодолак | 2933992000 |

***Мазкур Рўйхат «Ўзфармсаноат» ДАК билан келишилган.***
***«Ўзфармсаноат» ДАК Бошқарув раиси***
***Б. ЮНУСОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 20 апрель.*

---

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1953.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 19-20-сон, 241-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–847-сонли «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Интеллектуал мулк объектларини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

***Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси раиси***
***Д.МУСАЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 22 апрель*
*01/19-18/08.*

---

****2009 йил 18 майдан кучга киради.***

Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 22 апрелдаги 01/19-18/08-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1999 йил., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–847-сонли «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил., 4-сон, 237-модда) қарорига мувофиқ интеллектуал мулк объектларини баҳолашда баҳолаш ташкилотларига, унинг жараёнлари ва ҳисоблаш услубларига бўлган ягона талабларни белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Интеллектуал мулк объектини баҳолаш Мол-мулкни баҳолаш миллий стандартларига мувофиқ баҳоловчи ташкилотлар томонидан амалга оширилади ва баҳолаш ҳисоботи билан расмийлаштирилади.

2. Интеллектуал мулк объектининг қиймати уч ёндашув билан, яъни даромадли, харажатли, қиёсий ёндашувлар билан аниқланади. Баҳолашнинг уч ёндашувидан бирини қўллаш мумкин бўлмаган тақдирда баҳоловчи ташкилот у ёки бу ёндашувни қўллаш рад этилишини зарур равишда баҳолаш ҳисоботида асослаши керак.

## II. ДАРОМАДЛИ ЁНДАШУВ

3. Даромадли ёндашув — бу баҳолаш объектидан кутилаётган даромадларни аниқлашга асосланган баҳолаш объектининг қийматини баҳолаш услублари мажмуидир.

4. Даромадли ёндашув интеллектуал мулк объектидан фойдаланишдан даромад (фойда) олиш эҳтимоллари мавжуд бўлган ҳолларда қўлланади.

5. Интеллектуал мулк объектидан фойдаланишдан тушган даромадлар интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш ҳуқуқи топширилган ҳуқуқ эгаси томонидан маълум давр учун олинадиган пул тушумлари ва пул тўловлари (келгусида — пул оқими деб юритилади) орасидаги фарқдир.

6. Интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш ҳуқуқи топширилганлиги учун тўловларнинг ҳажми битим тарафлари барча зарур маълумотларга эга бўлган ҳолда оқилона ҳаракат қилган пайтда келиб чиқадиган энг кўп эҳтимолий мазмун асосида ҳисоблаб чиқилади ва тўловларнинг ҳажмида қандайдир фавқулодда ҳолатлар акс этмайди.

7. Интеллектуал мулк объектидан фойдаланишдан олинадиган асосий фойдалар қуйидагилардир:

маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда ва (ёки) асосий ва айланма маблағларга сармоя киритишдаги харажатлардан тежаш, шунингдек харажатларни амалда камайтириш, интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритишда харажатларнинг бўлмаслиги (масалан, лицензион тўловларнинг йўқлиги, лицензиарга даромаддан энг кўп эҳтимолдаги улушни ажратиш заруратининг бўлмаслиги);

ишлаб чиқарилаётган дона маҳсулотнинг (иш, хизмат) нархини ошириш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (иш, хизмат) сотув ҳажмини ошириш;

солиқлар ва (ёки) бошқа мажбурий тўловларни камайтириш;

қарз эвазига хизмат кўрсатиш тўловларини камайтириш;

баҳолаш объектини ишлатишдаги пул оқимини олишдаги таваккалчиликни камайтириш;

баҳолаш объектидан фойдаланишдаги пул оқимининг вақтинчалик тузилишини яхшилаш;

фойдаларнинг бошқа шакллари ва кўрсатилган шаклларнинг турли комбинациялари.

8. Баҳоланадиган интеллектуал мулк объектидан фойдаланишдан тушадиган даромадлар тўғридан-тўғри ҳуқуқ эгаси интеллектуал мулк объектини ишлатмаган ҳолда олган пул оқими ҳажми, таваккалчилиги ва тушум вақтини интеллектуал мулк объектидан фойдаланишдан тушадиган пул оқимининг ҳажми, таваккалчилиги ва тушум вақти билан солиштириш орқали аниқланади.

## III. ҚИЁСИЙ ЁНДАШУВ

9. Қиёсий ёндашув — бу баҳолаш объектини унга нисбатан битимлари қийматлари тўғрисида маълумотларига эга бўлган бошқа шунга ўхшаш объектлар билан солиштириш орқали баҳолаш объектининг қийматини баҳолаш услублари мажмуидир.

10. Қиёсий ёндашувни қўллаш баҳолаш объектларининг (келгусида — ўхшаш) ўхшаш нархлари ҳақидаги ишончли ва тўлиқ маълумот ҳамда улар билан амалга ошириладиган битимларнинг ҳақиқий шартлари мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади. Бунда битимлар қийматлари, таклиф ва талаб ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилиши мумкин.

11. Интеллектуал мулк объектини қиёсий ёндашувни қўллаш ёрдамида баҳолаш шунга ўхшаш объектлар қийматларини баҳоланаётган интеллектуал мулк объектининг фарқларига қараб тузатиш орқали амалга оширилади.

12. Қиёсий ёндашувни қўллаган ҳолда қийматни аниқлаш қуйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олади:

баҳолаш объектини шунга ўхшаш объектлар билан солиштиришдаги элементларни аниқлаш (келгусида солиштириш элементлари деб юритилади);

баҳоланаётган интеллектуал мулк объектининг ҳар бир солиштириш элементлари бўйича шунга ўхшаш ҳар бир объектдаги хусусият ва фарқлари даражасини аниқлаш;

баҳоланаётган интеллектуал мулк объектининг шунга ўхшаш ҳар бир объектдаги солиштириш элементлари бўйича тегишли хусусиятлар ва фарқлари даражасига мос равишда шунга ўхшаш объектлар қийматларидаги тузатишларни аниқлаш;

ҳар бир шунга ўхшаш объект қийматининг ҳар бир солиштириш элементлари бўйича уларнинг баҳоланаётган интеллектуал мулк объектидан фарқи бўйича тузатиш;

шунга ўхшаш объектнинг тузатилган қийматларини асосли умумлаштириш йўли билан интеллектуал мулк объектининг қийматини ҳисоблаш.

Солиштириш элементларига баҳолаш объекти қийматидаги омиллар (баҳолаш объекти қийматига таъсир қилувчи омиллар) ва интеллектуал мулк объектларига оид битишувлар бозорида вужудга келадиган тавсиф ва хусусиятлар тааллуқлидир.

13. Солиштиришнинг энг муҳим элементлари, қоидага кўра, қуйидагилардир:

интеллектуал мулк объектининг баҳоланаётган мулкий ҳуқуқлари ҳажми;

интеллектуал мулк объектига оид битишувларни молиялаштириш шартлари (шахсий ва қарзга олинган маблағлар нисбати, қарз маблағларини тақдим этиш шартлари);

шунга ўхшаш объект бўйича битишув тузиш санасидан бошлаб баҳолашни ўтказиш санасига қадар даврда интеллектуал мулк объектлари нархларининг ўзгариши;

интеллектуал мулк объекти ишлатилган ёки ишлатиладиган соҳа;

тақдим этиладиган ҳуқуқлар таъсири тарқаладиган ҳудудлар;

баҳолаш объектига нисбатан шунга ўхшаш объектларнинг жисмоний, функционал, технологик, иқтисодий тавсифлари;

интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулотга бўлган талаб;

рақобатли таклифларнинг мавжудлиги;

интеллектуал мулк объектидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларни (иш, хизмат) сотишнинг нисбий ҳажми;

интеллектуал мулк объектини фойдали ишлатиш муддати;

интеллектуал мулк объектини ўзлаштиришга қилинган харажатлар даражаси;

интеллектуал мулк объектига оид битишувларни тузишдаги тўлов шартлари;

интеллектуал мулк объектига оид битишувларни тузиш ҳолатлари.

### IV. ХАРАЖАТЛИ ЁНДАШУВ

14. Харажатли ёндашув — бу мулкнинг эскирганлигини инобатга олган ҳолда баҳолаш объектини тиклаш ёки алмаштириш учун зарур бўлган сарф-харажатлар миқдорини белгилашга асосланган баҳолаш услублар мажмуи.

15. Харажатли ёндашувни қўллаш баҳолаш объектини тиклаш ёки алмаштириш имкони мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Харажатли ёндашувни қўллаш орқали баҳолаш қуйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олади:

баҳолаш объектига шунга ўхшаш янги баҳолаш объектини яратиш учун сарфланадиган харажатлар миқдорини аниқлаш;

баҳолаш объектининг шунга ўхшаш янги объектга нисбатан эскирганлиги ҳажмини аниқлаш;

баҳолаш объекти қийматини унга нисбатан шунга ўхшаш янги баҳолаш объектини яратиш учун сарфланадиган харажатлар миқдорини чегириб ташлаш йўли билан ҳисоблаш.

16. Баҳолаш объектига нисбатан унга ўхшаш янги объектни яратишга қилинган харажатлар суммаси бевосита ва билвосита интеллектуал мулк объектини яратиш ва уни фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш, шунингдек интеллектуал мулк объектининг яратилишида капитал киритганлиги учун бериладиган энг кўп эҳтимолий мукофоти ҳажми кўринишидаги сармоядорнинг даромадини ўз ичига олади.

17. Баҳолаш объектига нисбатан унга ўхшаш янги интеллектуал мулк объектини яратишга қилинган харажатлар суммаси ҳуқуқ эгаси томонидан илгари баҳоланаётган интеллектуал мулк объектини яратишга амалда сарфланган харажатларни индексациялаш ёки баҳолаш объектига нисбатан унга ўхшаш янги интеллектуал мулк объектини яратиш учун зарур бўлган барча манбаларни (элементлар, харажатларни) баҳолаш кунидаги нархлар ва тарифлар бўйича калькуляция қилиш йўли билан белгиланиши мумкин.

18. Индексациялашни ўтказишда харажатлар элементлари бўйича нархларнинг ўзгариб бориши индексларидан фойдаланиш шарт. Харажатлар элементлари бўйича нархларнинг ўзгариб бориши индекслари ҳақида ҳаммабоп ишончли маълумотлар мавжуд бўлмаганда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли саноат тармоқлари бўйича нархлар ўзгариши индекслари бўйича ахборотларидан фойдаланилиши мумкин.

19. Сармоядорнинг даромади баҳоланаётган интеллектуал мулк объектини яратиш учун унга нисбатан сармоя киритиш таваккалчилиги даражаси ва вақт даври бўйича энг кўп эҳтимолли ўхшаш капиталнинг самара беришига киритган миқдорлардан келиб чиққан ҳолда кўзда тутилган бўлиши мумкин.

20. Интеллектуал мулк объектининг эскирганлиги умуман олганда баҳолаш объектига нисбатан унга ўхшаш янги объектнинг фойдали ишлатилиши муддатини ва мавжуд баҳолаш объектининг фойдали ишлатилиши қолган муддатини баҳолаш асосида белгиланиши мумкин. Бунда интеллектуал мулк объектини фойдали ишлатиш муддати шартнома асосида интеллектуал мулк объекти фойдаланишга берилган ҳуқуқ муддати ёки интеллектуал мулк объекти ҳуқуқ эгасининг шахсий ишлаб чиқаришида (бизнесида) ишлатиши мумкин бўлган давридаги муддат деб белгиланиши мумкин.

### V. ЯКУНИЙ ҚОИДА

21. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Давлат патент идораси билан келишилган.

***Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Н.ХАНОВ.***

***Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси Ш.САЛИХОВ.***

***Давлат патент идораси директори Б.АМОНОВ.***

*Тошкент ш., 2009 йил 27 январь.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1955.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 19-сон, 244-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-916-сонли қарорининг 6-бандига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 280-модда) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси **қарор қилади:**

---

***2009 йил 22 майдан кучга киради.**

1. Хўжалик бошқарув органлари ва корхоналарнинг модернизация ва янги технологиялар жамғармаси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кундан сўнг кучга киради.

*Молия вазири*
***Р.АЗИМОВ.***
*48-сон*

*Иқтисодиёт вазири*
***Б.ХОДЖАЕВ.***
*71-сон*

*Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси*
***Ш.САЛИХОВ.***
*5-сон*

*Тошкент ш., 2009 йил 24 апрель.*

*Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2009 йил 24 апрелдаги 48, 71, 5-сонли қарорлари билан*
ТАСДИҚЛАНГАН

## ХЎЖАЛИК БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРНИНГ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЖАМҒАРМАСИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–916-сонли қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 29-30-сон, 280-модда) хўжалик бошқарув органлари ва корхоналар (кейинги ўринларда — хўжалик юритувчи субъект) томонидан илмий-амалий тадқиқотларни, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тажриба-конструкторлик ишлари ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилиш ишларини молиялаштириш учун ташкил қилинган модернизация ва янги технологиялар жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартибини белгилайди.

### I. ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРТИБИ

1. Жамғарма фақат илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион технологиялар ютуқларидан фойдаланган ҳолда, товар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилаётган хўжалик юритувчи субъектлардагина ташкил қилинади.

2. Жамғарма маблағлари қуйидагилар ҳисобига шаклланади:

хўжалик юритувчи субъектларнинг соф фойдаси ва амортизация ажратмаларининг бир қисмидан;

буюртмачиларнинг мақсадли тушумларидан.

Бунда, жамғармани шакллантирувчи ажратмаларнинг миқдори хўжалик юритувчи субъект томонидан мустақил белгиланади.

3. Мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган Жамғарманинг маблағларини тўплаш хўжалик юритувчи субъект томонидан унга хизмат кўрсатадиган тижорат банкларидан бирида очиладиган махсус ҳисоб рақамида амалга оширилади.

### II. ЖАМҒАРМАНИ БОШҚАРИШ ВА ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

4. Жамғарма бошқарувининг олий органи хўжалик юритувчи субъектнинг Илмий-техник кенгаши (кейинги ўринларда — Илмий-техник кенгаш) ҳисобланади.

Илмий-техник кенгаш таркиби хўжалик юритувчи субъект раҳбари буйруғи билан тасдиқланади.

Илмий-техник кенгашни ушбу кенгаш раиси ҳисобланувчи хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг биринчи (ёки биринчи мақомидаги) ўринбосари бошқаради.

5. Илмий-техник кенгаш қуйидагилар ҳақидаги қарорларни қабул қилади:

Жамғарма маблағларидан лойиҳани молиялаштиришни қабул қилиш ёки лойиҳани молиялаштиришдан воз кечиш;

лойиҳани қайта ишлашга ёки қўшимча экспертизага жўнатиш.

Илмий-техник кенгаш қарорлари кўпчилик овоз билан қабул қилинади, раиснинг имзоси билан расмийлаштирилади.

6. Илмий-техник кенгаш кўриб чиқиши учун лойиҳалар хўжалик юритувчи субъектнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширувчи таркибий тузилмалари томонидан киритилади.

7. Илмий-техник кенгаш Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган лойиҳаларни қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда илмий-техник экспертизадан ўтказади:

лойиҳанинг долзарблиги ва қўйилган масалаларни ҳал қилишга ёндашувининг аниқлиги;

тавсия қилинган инновацион ва илмий-амалий ишлар натижаларининг амалда қўллаш имкониятлари;

лойиҳа харажатлар сметасининг асосланганлиги, уни амалга оширишнинг давомийлиги ва мазкур лойиҳанинг ўз-ўзини қоплаш муддатлари.

8. Жамғармадан маблағларни ажратиш хўжалик юритувчи субъект раҳбарини қарорига асосан тасдиқланган смета доирасида амалга оширилади.

### III. ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

9. Жамғарма маблағларидан:

илмий-амалий тадқиқотларни;

инновацион лойиҳаларни;

тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳамда уларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этишни молиялаштиришда фойдаланилади.

10. Жамғарманинг жорий йилда ишлатилмаган маблағлар қолдиғи кейинги йилга ўтказилади.

11. Жамғарма маблағларини сарфланиши махсус ҳисоб-рақамидан хўжалик юритувчи субъектнинг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган Жамғарма маблағларининг тушум ва харажатлар сметасига асосан амалга оширилади, қонунда белгиланган бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

### IV. ЖАМҒАРМА МАБЛАҒЛАРИ ТУШУМИ ВА ХАРАЖАТЛАРИ СМЕТАСИНИ ТУЗИШ, ТАСДИҚЛАШ ВА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

12. Жамғармага келгуси йилда келиб тушиши кутилаётган пул тушумини умумий ҳажмини аниқлашда хўжалик юритувчи субъектлари, Жамғармада режалаштирилаётган йил бошига қоладиган қолдиқни ва қонунчиликдаги ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда охирги икки йилдаги тушумларнинг динамикасидан келиб чиққан ҳолда йил давомида тушиши кутилаётган тушум ҳажмини ҳисобга олишлари лозим.

13. Сметанинг харажатлар қисми Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 1999 йил 5 февралдаги «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги» 54-сонли қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 йил, 2-сон, 9-модда), унда назарда тутилган харажатлар гуруҳлари бўйича харажатлар ёйилмасини ва улар асосидаги ҳисоб-китобларни тўла илова қилган ҳолда тузилади.

14. Жамғарма маблағлари тушумлари ва харажатларининг йиғма сметаси (йил давомида киритиладиган ўзгаришларни инобатга олиб) хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари томонидан тузилади ва тасдиқланади.

15. Танлаб олинган лойиҳалар рўйхатидан келиб чиққан ҳолда Илмий-техник кенгаш Жамғарманинг даромадлар ва харажатлари дастлабки йиғма сметасини тузади ва хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

### V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

16. Жамғарма маблағларидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш Илмий-техник кенгашни бошқарувчи хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари биринчи (ёки биринчи мақомидаги) ўринбосари томонидан амалга оширилади.

17. Жамғарма маблағларини тўғри шакллантириш ва мақсадли фойдаланиш учун жавобгарлик хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарига юклатилади.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## БОЖХОНА ЮК ДЕКЛАРАЦИЯСИНИ ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 834-19.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 19-20-сон, 246-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 90-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда), «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га (1999 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 834 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 12-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

***Давлат божхона қўмитаси раиси С.НОСИРОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 5 май*
*01-02/6-12-сон.*

***Илова рус тилида берилади.***

*ПРИЛОЖЕНИЕ*
*к постановлению Государственного таможенного комитета*
*от 5 мая 2009 года № 01-02/6-12*

### ИЗМЕНЕНИЯ, ВНОСИМЫЕ В ИНСТРУКЦИЮ О ПОРЯДКЕ ЗАПОЛНЕНИЯ ГРУЗОВОЙ ТАМОЖЕННОЙ ДЕКЛАРАЦИИ

1. Абзацы седьмые графы 28 пунктов 3.3 и 6.4 изложить в следующей редакции:

«При оплате таможенных платежей нерезидентом Республики Узбекистан в пункте 1 указывается ИНН таможенного брокера».

2. Пункт 12 раздела «Управление Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан по Ташкентской области» приложения № 8 изложить в следующей редакции:

| | | |
|---|---|---|
| 12. | «Ангрен» ВЭД | 27028 |

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА ОЧИЛАДИГАН БАНК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 27 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 18-сон, 229-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги Йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор (2001 йил 10 ноябрь, рўйхат рақами 1080 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 21-сон);

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор (2003 йил 29 сентябрь, рўйхат рақами 1080-1 — Меъёрий ҳужжатлар ахбо-

***2009 йил 7 майдан кучга киради.***

ротномаси, 2003 йил, 17-18-сон);

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор (2007 йил 8 январь, рўйхат рақами 1080-2 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 1-2-сон, 17-модда);

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор (2007 йил 7 август, рўйхат рақами 1080-3 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 31-32-сон, 337-модда);

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарор (2008 йил 31 май, рўйхат рақами 1080-4 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 22-23-сон, 216-модда).

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

***Марказий банк раиси***
***Ф.МУЛЛАЖОНОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2009 йил 16 март*
*7/2-сон.*

*Марказий банк Бошқарувининг*
*2009 йил 16 мартдаги 7/2-сонли қарори билан*
*ТАСДИҚЛАНГАН*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНКЛАРИДА ОЧИЛАДИГАН БАНК ҲИСОБВАРАҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 йил, 2-сонга илова), «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1996 йил, 5-6-сон, 54-модда), «Валютани тартибга солиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 1-2-сон, 6-модда) ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил, 20-сон, 230-модда) қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 15-16-сон, 130-модда) қарорига мувофиқ, банклар томонидан миллий ва чет эл валютасида банк ҳисобварақларини очиш, уларни қайта расмийлаштириш ҳамда ёпиш тартибини белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Йўриқномада қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**банк ҳисобвараги** — банк ҳисобвараги шартномасини тузиш орқали банк мижоз (ҳисобварақ эгаси) ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварағидаги тегишли маблағларни ўтказиш ва бериш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқларни бажариш вазифасини ўз зиммасига олиши натижасида банк ва мижоз ўртасида вужудга келадиган муносабатларни амалга ошириш воситаси.

**жамғарма депозит ҳисобвараги** — бу мижозларнинг даврий бадаллари асосида шаклланиб, муайян мақсадни амалга ошириш учун жамғариладиган ва шу мақсад учун йўналтириладиган ёхуд шартнома бекор қилиниши натижасида қайтариладиган маблағлар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

**муддатли депозит ҳисобвараги** — шартномада қатъий келишилган муддатга қўйилган мижозларнинг маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

**ссуда ҳисобвараги** — белгиланган тартибда мижозларга берилган кредитларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ;

**талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараги** — мижозларнинг биринчи талаби биланоқ бериладиган ёки ундаги ўтказиб бериладиган маблағларнинг ҳисоби юритиладиган ҳисобварақ.

2. Мижозлар банкларда қуйидаги турдаги банк ҳисобварақларини очишлари мумкин:

а) талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари;

б) жамғарма депозит ҳисобварақлари;

в) муддатли депозит ҳисобварақлари;

г) ссуда ҳисобварақлари;

д) бошқа депозит ҳисобварақлари.

Хўжалик юритувчи субъектнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг биринчи марта миллий валютада очган талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараги унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараги (бундан кейинги ўринларда асосий ҳисобварақ деб юритилади) ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварағини очгандан кейин миллий ва чет эл валютасида очадиган барча талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари унинг иккиламчи ҳисобварақлари ҳисобланади.

Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш юридик шахснинг асосий ҳисобварағидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Юридик ва жисмоний шахслар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлайдилар ҳамда бир ёки бир неча банкларда миллий ва чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари, шунингдек, жамғарма, муддатли, ссуда ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгалар.

4. Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларга Давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган маблағларни кирим қилиш ва бу маблағлардан фойдаланиш учун бюджет ҳисобварақлари, шунингдек ушбу муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобини олиб бориш учун талаб қилиб олингунча, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақлари очилади.

Марказлашган маблағлар ҳисобидан капитал қурилишни молиялаштириш учун ягона буюртмачига ҳар бир қурилиш объекти бўйича алоҳида иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлар очилади.

5. Юридик шахслар ўз асосий ҳисобварағини очгандан кейин улар ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган ҳолда бошқа банкларда миллий ва чет эл валютасидаги иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларини очиш ҳуқуқига эгадирлар.

6. Ўзбекистон Республикаси «Банк сири тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк мижозига (вакилига) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилади.

7. Мижозлар томонидан банк ҳисобварақлари очилаётганда, банк ҳисобвараги шартномаси тузилади.

Банк ҳисобвараги шартномаси бўйича юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Банк ҳисобвараги шартномасида банк мижознинг ҳисобварағига келиб тушаётган маблағларни ҳисобварақка кирим қилиш ва уни киритиб қўйиш, мижознинг ҳисобварақдаги маблағларни тасарруф этиш борасидаги топшириқларини ижро этиш шартлари, бу борадаги мижоз ҳамда банк ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, банк хизматлари учун тўланиши лозим бўлган комиссиялар ҳамда бошқа шартлар белгилаб олинади.

Банк ҳисобвараги шартномасида мижозларнинг банк ҳисобварағига келиб тушган маблағларни киритиб қўйганлик учун (кредит айланмаси учун) воситачилик ҳақи ундириш борасида шарт белгиланиши тақиқланади.

8. Мижозлар томонидан ҳисобварақлар очиш учун банкка мазкур Йўриқномада кўзда тутилган ҳужжатлар тақдим қилинган кундан сўнг банклар икки иш куни мобайнида уларга ҳисобварақлар очишлари шарт.

Банклар томонидан ушбу Йўриқномада кўзда тутилган ҳужжатлардан бошқа қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Мижозлар ҳисобварақ очиш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун жавобгар бўладилар.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун банкларда очиладиган ҳисобварақлар учун тўлов миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан ошмаслиги лозим.

9. Хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобварақлар очилгандан сўнг кейинги иш кунидан кечиктирмай, ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида маълумот дастурий равишда шакллантирилиб, Банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига узатилади.

10. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақ очиш учун асос бўлган ҳужжатлари, банк ҳисобварағи шартномаси, шунингдек, унга киритилган ўзгартиришлар, мижознинг манзили ўзгарганлиги тўғрисидаги банкка берган хати ва номи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, асосий ва иккиламчи ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларига ва асосий ҳисобварағини очган банкка юборган хабарнинг нусхаси ҳамда бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар мижознинг юридик йиғмажилдида сақланади.

11. Банкларда мазкур Йўриқноманинг 1-иловада* келтирилган шаклга мувофиқ, мижозларнинг ҳисобварақларини рўйхатга олиш китоби юритилади. Ушбу китоб рақамланган, ип ўтказиб тикилган, бош банкнинг бош бухгалтери имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим. Шунингдек, мижозларнинг ҳисобварақларини рўйхатга олиш китоби компьютерда дастурий тарзда юритилиши мумкин. Бундан ташқари, резидент ва норезидент юридик ва жисмоний шахслар томонидан очиладиган ҳисобварақларнинг рўйхати такроран алоҳида ҳисобварақларда юритилади.

## II. МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА, ЖАМҒАРМА, МУДДАТЛИ ВА БОШҚА ДЕПОЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШ ТАРТИБИ

12. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон хўжаликлари томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни хориждан олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан — яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан берилган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

в) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

г) мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча.

13. Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) статистика органлари томонидан берилган Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча.

14. Резидент юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиалларига талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун ваколатхона ва филиаллар томонидан банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) юридик шахснинг илтимоснomаси (илтимоснomада юридик шахснинг «Солиқ тўловчининг идентификация рақами» ва «Хос рақами» кўрсатилган бўлиши шарт);

в) мазкур Йўриқноманинг 3-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча.

15. Ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга оширмоқчи бўлган хўжалик юритувчи субъектларга устав капиталини шакллантириш учун давлат рўйхатидан ўтгунларига қадар таъсисчиларнинг (иштирокчиларнинг) дастлабки бадалларини киритиш учун миллий ва/ёки чет эл валютасида вақтинчалик (маблағ йиғиш учун) 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағи очилиши мумкин.

Вақтинчалик ҳисобварақ очиш учун белгиланган тартибда банкка таъсисчилар (иштирокчилар) номидан ихтиёрий шаклда ҳисобварақ очиш тўғрисида уларнинг ишончли вакили томонидан ариза тақдим қилинади.

Давлат рўйхатидан ўтгандан кейин ушбу хўжалик юритувчи субъектга мазкур Йўриқномага мувофиқ асосий ҳисобварақ очилади ҳамда вақтинчалик ҳисобварақдаги маблағлар ушбу ҳисобварaққа ўтказилади ва вақтинчалик ҳисобварақ ёпилади.

16. Норезидент юридик шахслар (иммунитет ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари) миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) мазкур Йўриқноманинг 4-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча.

17. Резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка мазкур Йўриқноманинг 5-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ва унга тенглаштирилган ҳужжатлар) тақдим қилинади. Ҳисобварақ очиш учун ариза жисмоний шахслар томонидан шахсан тақдим этилиши лозим, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

18. Юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва жисмоний шахслар томонидан жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини очиш учун мазкур Йўриқноманинг иловаларида келтирилган тегишли шаклдаги ариза тақдим қилинади.

Бунда, жисмоний шахслар томонидан қўшимча равишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат шахсан тақдим қилинади.

19. Юридик шахслар бошқа банкларда иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағини очишда ҳам асосий ҳисобварақ очиш учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

Асосий ҳисобварақ очилган банкда қўшимча равишда миллий валютада иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи очилишига йўл қўйилмайди, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган мақсадли тадбирлар учун ҳамда қонунчилик ҳужжатлари асосида очиладиган иккиламчи депозит ҳисобварақлар бундан мустасно.

20. Бошқа депозит ҳисобварақларини очиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

## III. ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ТАЛАБ ҚИЛИБ ОЛИНГУНЧА, ЖАМҒАРМА, МУДДАТЛИ ВА БОШҚА ДЕПОЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШ ТАРТИБИ

21. Мижозлар томонидан чет эл валюталарида ҳисобва-

***1-5-иловалар «Норма маслаҳатчи»да берилмайди. Иловаларнинг матни билан «Norma» АҲТда танишиш мумкин.**

раклар очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан ушбу Йўриқноманинг 12-бандида келтирилган ҳужжатлар;

б) тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар, жумладан бюджетдан маблағ олувчилар томонидан ушбу Йўриқноманинг 13-бандида келтирилган ҳужжатлар;

в) норезидентлар (жисмоний шахслар бундан мустасно) томонидан ушбу Йўриқноманинг 16-бандида келтирилган ҳужжатлар;

г) резидент ва норезидент жисмоний шахслар томонидан ушбу Йўриқноманинг 17-бандида келтирилган ҳужжатлар.

Бунда, жисмоний шахслар томонидан қўшимча равишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат шахсан тақдим қилинади ва банк томонидан ушбу ҳужжатлардан нусха олинади.

22. Мижозларга битта банкда маълум бир чет эл валютасида фақат битта талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақ очилишига рухсат этилади.

23. Ваколатли банкларда резидент ва норезидент жисмоний шахсларга аризада, кирим касса ордерида ҳамда омонат дафтарчасида омонатчининг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилмасдан, шунингдек, имзо намунаси расмийлаштирилмай тақдим этувчига тўланадиган омонатлар бўйича чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча ва муддатли депозит ҳисобвараклар «Ваколатли банклар томонидан эркин айирбошланадиган валютада мижознинг исм-шарифи сўралмайдиган усулда депозитлар бўйича операциялар бажарилишининг тартиби тўғрисида»ги низомга (1999 йил 15 март, рўйхат рақами 673) асосан очилиши мумкин.

## IV. КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ҲИСОБВАРАҚЛАРНИ ОЧИШ ТАРТИБИ

24. Кредит шартномаси кучга киргандан сўнг кейинги банк иш кунидан кечиктирмасдан банк раҳбари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахс томонидан бериладиган кредитнинг муддати, миқдори ва фоиз ставкаси кўрсатилган ҳолда, мижоз учун ссуда ҳисобварағи очиш тўғрисида бухгалтерияга берилган фармойишга асосан шу иш кунидан кечиктирмасдан мижозга ссуда ҳисобварағи очилади.

## V. ВАКИЛЛИК ҲИСОБВАРАҚЛАРИНИ ОЧИШ ТАРТИБИ

25. Банклар учун қуйидаги вакиллик ҳисобварақлари очилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги миллий ва чет эл валютасидаги вакиллик ҳисобварақлари;

б) резидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари;

в) норезидент банклардаги вакиллик ҳисобварақлари.

26. Резидент тижорат банклар миллий ва чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоб марказида очадилар.

27. Янги ташкил этилаётган банк таъсисчилари банк рўйхатга олингунга қадар таъсис бадалларини йиғиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ёки бошқа тижорат банкида вақтинчалик 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағини очади.

Вақтинчалик ҳисобварақни очиш учун ваколатли шахс таъсисчилар номидан ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза тақдим қилади.

Банкларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатга олиниб, банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия берилгандан кейин мазкур Йўриқноманинг 26 ва 28-бандларига мувофиқ вакиллик ҳисобварағи очилади.

Вакиллик ҳисобварағи очилаётганда, вакиллик муносабатлари тўғрисида шартнома тузилади.

28. Тижорат банки миллий валютада вакиллик ҳисобварағи очиш учун қуйидагиларни тақдим қилади:

а) мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида* келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) солиқ тўловчининг идентификация рақами берилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

в) банк операцияларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензиянинг нусхаси;

г) статистика органлари томонидан берилган Корхона ва ташкилотнинг ягона давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

д) имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча.

29. Резидент банкларга чет эл валютасида вакиллик ҳисобварақлари чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг лицензияси бўлган ҳолдагина бошқа резидент ваколатли банкларда очилади.

30. Ваколатли резидент банклар учун хорижий банкларда вакиллик ҳисобварақларини очиш «Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартиби»га (1999 йил 22 январь, рўйхат рақами 610) мувофиқ амалга оширилади.

31. Норезидент банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида вакиллик ҳисобварақларини очиш учун қуйидагилар тақдим қилинади:

а) норезидент банкнинг тўлиқ номи ва уни рўйхатдан ўтказган давлатдаги юридик манзили кўрсатилган ҳолда ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза (3-илова*);

б) имзолар ва муҳр изи қўйилган варақча ҳамда мазкур давлатнинг Марказий (Миллий) банки томонидан берилган лицензиянинг легаллаштирилган нусхаси.

## VI. ИМЗОЛАР НАМУНАЛАРИ ВА МУҲР ИЗИ ҚЎЙИЛГАН ВАРАҚЧА

32. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча икки нусхада тақдим қилинади. Варақчанинг бир нусхаси бухгалтерда, иккинчиси эса пул чекларини расмийлаштирувчи назоратчида туради. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг имзолари намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча нотариал тасдиқланади. Уларнинг ваколатхона ва филиалларининг имзолари намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалари ҳам нотариал тасдиқланади, тасдиқни талаб қилмайдиган давлат муассасалари ва норезидент банкларнинг имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалари бундан мустасно.

Банкларда мижозларнинг бир нечта ҳисобварақларига хизмат кўрсатиладиган бўлса, улардан қўшимча равишда имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалари юқорида кўрсатилган тартибда талаб қилиниши мумкин. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчаларда ҳисобварақларнинг рақамлари кўрсатилади.

33. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ, юридик шахс раҳбари имзолар намуналари варақчасига киритиладиган имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга — раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига — бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради. Имзолар намунаси ва асосий муҳр изи қўйилган варақча нотариал тасдиқланади.

Юридик шахс мақомини олмасдан фаолият кўрсатаётган деҳқон хўжалиги раҳбари ва якка тартибдаги тадбиркорлар муҳри бўлмаган ҳолларда, ўзларининг нотариал тасдиқланган имзолари намуналарини тақдим қиладилар.

Тўловга тақдим этиладиган чекларнинг рақамларини текшириш мақсадида банк мижозларга берган пул чеклари рақамларини масъул ижрочи ва назоратчилардаги мижозларнинг имзолари ҳамда муҳр излари намунаси кўрсатилган варақчада қайд этилади.

34. Мижозлар имзоларни бевосита ўз қўллари билан қўйишлари шарт (факсимиле имзо муҳри қўйилишига йўл қўйилмайди).

Биринчи имзо ҳуқуқи иккинчи имзо ҳуқуқига эга бўлган бош бухгалтер ёки бошқа шахсларга берилиши мумкин эмас.

35. Раҳбар шахсларга вақтинча биринчи ёки иккинчи имзо ҳуқуқи берилганда, шунингдек, раҳбар томонидан ваколат берилган шахслардан бирортаси вақтинча ўзгарганда, вақтинча ваколат берилган шахснинг имзо намунаси қўйилиб, амал қилиш муддати кўрсатилган қўшимча варақча тақдим қилинади. Ушбу вақтинчалик варақча раҳбар томонидан имзоланиб, муҳр қўйилади.

36. Имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчага юридик шахслар берилган асосий муҳр ёки юридик шахс филиалининг ёхуд ваколатхонасининг муҳр изининг намунаси қўйилиши шарт. Махсус мақсадлар учун, масалан, «Пакетлар учун», «Рухсатномалар учун», «Девонхона» ва шу кабиларга мўлжалланган муҳрлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Муҳр алмаштирилганда ёки йўқолиб қолганда, мижоз томонидан биринчи ва иккинчи имзо ҳуқуқи берилган шахслар томонидан раҳбари ва бош бухгалтери (агар мижоз якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалиги бўлса — якка тартибдаги тадбиркор ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи) томонидан имзоланган илтимоснома асосида банк филиали раҳбари томонидан муҳр тайёрлатиш учун зарур бўлган муҳлат берилади. Ушбу муҳлат бир календарь ойидан ошиши мумкин эмас. Бир вақтнинг ўзида у муҳр бўлмаган вақтда ҳисоб-китоб-пул ҳужжатларини расмийлаштириш тартибини белгилайди, вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳужжатлар муҳр изисиз топширилишига рухсат беради. Бундай ҳолларда банк раҳбари ёки бош бухгалтери имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчага тегишли қайдларни киритади.

37. Юридик шахслар ва юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатадиган деҳқон хўжаликлари ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг юридик манзили — уларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган манзил ҳисобланади.

Жисмоний шахснинг манзили — унинг шахсини тасдиқловчи ёки унга тенглаштирилган ҳужжатда қайд этилган рўйхатга олинган манзили ҳисобланади.

Ҳисобварақ эгаси ўз манзилининг ўзгарганлиги тўғрисида ўзининг ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка беш иш куни давомида ёзма хабар бериши шарт.

38. Юридик шахснинг муҳри ўзгарганда, варақчада кўрсатилган имзолардан бирортаси алмаштирилганда ёки қўшилганда, ҳисобварақ эгаси нотариал тасдиқланган янги имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчани тақдим қилади. Бекор қилинган имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчалар юридик шахснинг юридик йиғмажилдига тикилади.

## VII. МИЖОЗНИНГ ЮРИДИК ЙИҒМАЖИЛДИДА ЎЗГАРИШЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

39. Қайта ташкил этилиши натижасида янги ташкил этилган юридик шахсларга ҳисобварақлар ушбу Йўриқномада кўрсатилган тегишли ҳужжатлар тақдим қилиниши асосида очилади.

Номи ўзгарган тақдирда, мижоз банкка рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан берилган, номи ўзгарганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхасини тақдим қилади.

40. Юридик шахсга нисбатан санация эълон қилинганда, унинг ҳисобварақлари бўйича юзага келадиган муносабатлар «Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисида»ги низом (2006 йил 3 ноябрь, рўйхат рақами 1636) асосида тартибга солинади.

41. Юридик шахс тугатилаётганда, унинг барча банк ҳисобварақлари тугатиш комиссиясининг тасарруфига ўтади. Бундай ҳолда, банкка тугатиш комиссиясининг амал қилиш муддати кўрсатилган корхонани тугатиш тўғрисидаги қарор ҳамда тугатиш комиссияси раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари намуналари қўйилган варақча нотариал тасдиқланган ҳолда тақдим қилинади.

## VIII. МИЖОЗНИНГ АСОСИЙ ҲИСОБВАРАҒИНИ БОШҚА БАНККА ЎТКАЗИШ

42. Хўжалик юритувчи субъект асосий ҳисобварағини бошқа банкка ўтказиши учун у давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ҳамда бошқа тўловлар бўйича ўзининг давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида ёзма маълумотномасини тақдим этиши шарт. Акс ҳолда асосий ҳисобварақни бошқа банкка ўтказишга йўл қўйилмайди.

43. Асосий ҳисобварақни бошқа банкка ўтказиш учун мижоз томонидан хизмат кўрсатувчи банкка ариза тақдим этилади ва чек дафтарчалари қайтарилади. Шундан сўнг банк мижознинг ҳисобварағидаги қолдиқни ёзма равишда тасдиқлайди.

Мижоз асосий ҳисобварағи ёпилаётган банкдан олинган тасдиқномани ариза билан бирга асосий ҳисобварақ очилаётган банкка тақдим этади. Ушбу аризага асосан, асосий ҳисобварақ очилаётган банк мижозга вақтинчалик 29801 — «Мижозлар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағини очади ва бу тўғрисида мижоз ҳамда ҳисобварақ ёпилаётган банкка ёзма равишда хабар беради.

44. Мижоз вақтинчалик ҳисобварақ очилганлиги тўғрисидаги хабарни олгандан сўнг асосий ҳисобварақ ёпилаётган банкка асосий ҳисобварақдаги мавжуд маблағлар қолдиғини асосий ҳисобварақ очилаётган банкдаги вақтинчалик очилган ҳисобварақка ўтказиш тўғрисида тўлов топшириқномаси тақдим этади. Асосий ҳисобварақни ёпаётган банк мижоз юридик йиғмажилдидаги ҳужжатлар ва 2-сонли картотекадаги (агар, мавжуд бўлса) тўлов ҳужжатлари рўйхатини киритиб, ушбу ҳужжатлар асосий ҳисобварақ очаётган банкка топширилганлиги ҳақида икки нусхада далолатнома тузади. Далолатнома банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, асосий муҳр қўйилади.

Далолатноманинг ҳар икки нусхасига мижознинг юридик йиғмажилдидаги ҳужжатлар ва 2-сонли картотекадаги тўлов ҳужжатларининг асл нусхалари илова қилиниб, почта, фельдъегер алоқаси ёки курьер орқали асосий ҳисобварақ очилаётган банкка етказиб берилади.

Асосий ҳисобварақни очаётган банк ушбу далолатномага илова қилинган ҳужжатларни қабул қилиб олгандан кейин мазкур далолатномага илова қилинган юридик йиғмажилддаги ҳужжатлар ва 2-сонли картотекадаги тўлов ҳужжатларининг асл нусхаларини олганлигини тасдиқлаб, банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, асосий муҳр қўйилади. Далолатноманинг бир нусхаси почта, фельдъегер алоқаси ёки курьер орқали асосий ҳисобварақ ёпилаётган банкка етказиб берилади.

Ушбу ҳужжатларни ҳисобварақ эгаси ёки учинчи шахслар орқали бериб юбориш қатъиян тақиқланади.

45. Далолатноманинг асосий ҳисобварақ очаётган банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланган ва муҳр қўйилган нусхаси олингандан кейин мижоз томонидан ёпилаётган асосий ҳисобварақдаги маблағларни ушбу ҳисобварақ очилаётган банкда очилган вақтинчалик ҳисобварақка ўтказиш тўғрисидаги тўлов топшириқномаси ижро қилинади.

Асосий ҳисобварақни ёпаётган банк бериб юборилган барча ҳужжатлардан нусха кўчириб, белгиланган тартибда ўз архивида сақлайди.

Асосий ҳисобварақни очаётган банк ушбу ҳисобварақни ёпаётган банкдан ҳужжатлар ва маблағларни олгандан кейин мижозга янги асосий ҳисобварақни очади, унга вақтинчалик ҳисобварағидаги қолдиқни ўтказади ва мазкур вақтинчалик ҳисобварақни ёпади.

Асосий ҳисобварақ ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот ахборотлар базасида икки ой давомида сақланади. Ушбу муддат тугагандан сўнг ўтказилган асосий ҳисобварақ тўғрисидаги маълумот архивланади ва белгиланган тартибда сақланади, шу билан бир вақтда, мазкур ҳисобварақ тўғрисидаги маълумот базадан ўчирилади.

Ўтказилган асосий ҳисобварақ бўйича келиб тушган тўлов ҳисоб-китоб ҳужжатлари рўйхатдан ўтказилгач, қуйидаги мазмундаги хабар билан жўнатувчига қайтарилади: «Ҳисобварақ ёпилди. ________ банкнинг ________ филиалига мурожаат қилинг».

## IX. АСОСИЙ ҲИСОБВАРАҚ БЎЙИЧА ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ТЎХТАТИШ ВА ҲИСОБВАРАҚНИ ЁПИШ

46. Асосий ҳисобварақ бўйича операциялар фақат ҳисобварақ эгасининг фармойишига кўра ёки ҳисобварақдаги пул маблағлари суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд суд ажримига кўра хатланганда, шунингдек, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай ҳолда, пул маблағлари фақат қарор ёки ажримда кўрсатилган суммага хатланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш суд тартибида амалга оширилади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш аниқланган ҳоллар бундан мустасно.

Юқоридаги тартибда хатланган ёки тўхтатилган ҳисобварақларни (ҳам асосий, ҳам иккиламчи) бошқа банкларга ўтказиш ҳамда ушбу ҳисобварақлар эгаларининг бошқа ҳисобварақларни очишига йўл қўйилмайди.

47. Банк ҳисобварағи шартномаси ҳисобварақ эгасининг аризасига ёки банкнинг талабига кўра бекор қилинади.

Банкнинг талабига кўра банк ҳисобварағи шартномаси суд орқали қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

1) мижознинг ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари суммаси банк қоидаларида ёки шартномада кўзда тутилган энг кам миқдордан оз бўлса, агар бундай сумма банк томонидан бу ҳақда мижозни огоҳлантирган кундан бошлаб бир ойда тикланмаса;

2) банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддат назар-

да тутилган бўлмаса, ушбу ҳисобварақ бўйича бир йил давомида операциялар амалга оширилмаган бўлса.

Ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиғи мижознинг тегишли ёзма аризаси олингандан кейин кечи билан етти кун ичида мижозга берилади ёки унинг кўрсатмасига мувофиқ бошқа ҳисобварақка ўтказилади.

Банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши мижознинг ҳисобварағини ёпиш учун асос бўлади.

48. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари — юридик шахслар ихтиёрий тугатилаётганда, хабардор қилиш муддатидан бошлаб:

а) уларнинг миллий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобвараклари, жамғариладиган депозит ҳисобварақлари ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар — тугатувчининг уларни ёпиш ҳақидаги аризаси асосида мазкур ҳисобварақларни ёпадилар ва унинг тўлов топшириқномаси асосида улардаги мавжуд маблағлар қолдиқларини тугатилаётган юридик шахсларнинг асосий ҳисобварағига ўтказадилар;

б) уларнинг хорижий валютадаги иккиламчи депозит ҳисобварақлари, жамғариладиган депозит ҳисобварақлари ҳамда муддатли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар — тугатувчининг уларни ёпиш ҳақидаги аризаси асосида мазкур ҳисобварақларни ёпадилар ва унинг тўлов топшириқномаси асосида мавжуд маблағлар қолдиқларини тугатилаётган юридик шахсларнинг унинг миллий валютадаги асосий ҳисобварағи очилган жойда очилган хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ёки бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига, агар уларнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, ўтказадилар;

в) юридик шахсларнинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк тугатиш жараёни тугаганидан сўнг тугатувчининг аризасига асосан бир иш куни давомида асосий ҳисобварағини ёпади ва тугатувчига асосий ҳисобварақнинг ёпилиши ҳақида маълумотнома беради.

49. Корхоналар олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик корхоналари — уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган ҳолларда (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно), банклар уч кунлик муддат ичида бундай корхоналар ҳақида улар ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органига тегишли чоралар кўриш учун ахборот беришлари шарт.

Суднинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги тегишли қарори тақдим этилганда, банклар кейинги иш кунидан кечиктирмай хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобварақларини ёпадилар. Бунда, корхоналарнинг ёпиладиган ҳисобварақларидаги маблағлари қолдиқлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга ўтказилади. Корхоналарнинг банкка тўлаш учун тақдим этилган кредиторлик қарзи эса алоҳида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилади.

Корхоналарнинг банк ҳисобварақлари ёпилгандан сўнг уларнинг номига келиб тушадиган маблағлар фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга ўтказилади. Фойдаланиш ҳуқуқисиз махсус ҳисобварақларга тўпланган маблағлар банклар томонидан биринчи навбатда корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги қарзларини тўлашга, қолган суммалар эса уларнинг кредиторлик қарзларини календарь навбатида тўлашга йўналтирилади.

Корхоналарнинг ёпиладиган ҳисобварақлардаги маблағлари банк томонидан фойдаланиш ҳуқуқисиз 29842 — «ҳаракатсиз депозит мажбуриятлари» ҳисобварағига кирим қилинади ва банкка тўлов учун тақдим этилган корхонанинг кредиторлик қарздорлиги алоҳида кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилади.

Корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссия томонидан корхона кейинги фаолиятининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида қарор қабул қилинган ёки белгиланган тартибда тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан бошлаб ушбу корхонанинг ҳисобварақлари тегишлича корхонанинг ўз тасарруфига ёки тугатиш комиссиясининг тасарруфига ўтади.

50. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ҳисобварағи ёпилаётганда, олдиндан у билан боғлиқ бўлган барча ҳисобварақлар ёпилади. Бир вақтнинг ўзида ҳисобварақни ёпиш мўлжалланаётгани тўғрисида солиқ ва божхона органларига хабар берилади, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет олдидаги қарзлари тўғрисида маълумот сўралади. Солиқ ва божхона органлари томонидан банкка хўжалик юритувчи субъектнинг бюджет олдида мажбуриятлари йўқлиги тўғрисидаги хабарнома (маълумотнома) тақдим қилингандан кейин мижознинг чек дафтарчаси фойдаланилмаган чеклари ва фойдаланилган чекларнинг милклари билан қайтарилади. Шундан кейин, мижознинг фойдаланилмаган чеклар рақамлари кўрсатилган аризасига асосан ҳисобварақни ёпиш кунида қолдиқ тасдиқланган ҳолда ҳисобварақ ёпилади.

51. Ёпилаётган, шунингдек, бошқа банкларга ўтказилаётган ҳисобварақлар бўйича фойдаланилмаган чекларни мижозлардан фақат бош бухгалтер ёки унинг ўринбосари қабул қилиш ҳуқуқига эга. Бош бухгалтер ва унинг ўринбосари топширилган ҳар бир чекнинг имзо қўйиладиган қисмини қирқиб олиш йўли билан уларни дарҳол сўндириши зарур. Шундан кейингина чеклар унга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочига берилади. Ижрочи ҳисобварақни ёпиш учун тақдим қилинган тўлов топшириқномасини дастурий йўл билан киритиши ҳамда уни текшириш ва имзолаш учун бош бухгалтерга ёки унинг ўринбосарига тақдим этиши шарт.

52. Ҳисобварақлар ёпилаётганда ва улардаги тегишли маблағлар қолдиғи «Бошқа дебиторлик ҳисобварақлар»ига кирим қилинганда, банк бош бухгалтери ёки унинг ўринбосари ёпилаётган ҳисобварақдан мижозга охирги марта кўчирма берилган кундан бошлаб ушбу ҳисобварaққа киритилган барча ёзувларни ҳужжатлар бўйича синчиклаб текшириши, ссуда ва банк хизматлари учун ҳисобланган ҳамда тўланган фоизларни инобатга олган ҳолда чиқарилган охирги қолдиқнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши ва ёпилаётган ҳисобварaққа тегишли ёзувларни киритиб, имзо чекиши шарт.

Ҳисобварақ ёпилгандан сўнг банк мижозга (мижоз тугатилганда — таъсисчиларга) барча тақдим қилинган талаблардан озод бўлган пул маблағларнинг қолдиғи тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

53. Бошқа депозит ҳисобварақларнинг барчаси мижознинг аризасига асосан исталган вақтда ёпилади. Бунда, ушбу мижозга очилган махсус ҳисобварақлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёпилади.

Ссуда ҳисобварақлари банк раҳбари ёки раҳбар томонидан ваколат берилган шахснинг фармойишига асосан берилган кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар тўлови тўлиқ амалга оширилгандан кейин ёки ссуда ҳисобварағининг кредит қолдиғи кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварағига ўтказилгандан кейин ёпилади.

54. Мижоз мажбурий тугатилганда, мижознинг асосий ҳисобварағи тугатиш комиссияси номига расмийлаштирилади ва унинг тасарруфига ўтказилади. Асосий ҳисобварaққа хизмат кўрсатувчи банкка мижозни тугатиш тўғрисида қарорни, шунингдек, тугатиш муддати кўрсатилган ва тугатиш комиссиясини тузган ташкилот ёки шахс томонидан тасдиқланган раҳбар ҳамда бош бухгалтернинг имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча тақдим этилади. Мижознинг ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи бошқа банкларга тугатиш муддати кўрсатилган тугатиш тўғрисидаги қарор нусхаси тақдим этилади. Шундан сўнг барча иккиламчи ҳисобварақлар ёпилади ва ушбу ҳисобварақлардаги маблағлар мажбурий равишда тугатиш комиссиясига расмийлаштирилган асосий ҳисобварaққа ўтказилади.

55. Тугатиш комиссияси ўз ишини якунлаганидан кейин ўз ҳисобварағини ёпиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) хўжалик юритувчи субъектлар бюджет олдидаги ўз мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг хулосаси;

б) рўйхатдан ўтказган идоранинг Давлат реестридан чиқариш тўғрисида қарори нусхаси;

в) фойдаланилмаган чеклар ва фойдаланилган чекларнинг милклари билан чек дафтарчаси.

56. Тугатиш комиссиясининг ҳисобварағида тақдим қилинган талаблардан озод бўлган пул маблағларининг кредит қолдиғи мавжуд бўлса, ушбу қолдиқ мижозларнинг таъсисчиларига ёки тугатиш комиссиясининг ва тугатилган мижознинг таъсисчилари мажлисининг қарорига асосан бошқа ҳисобварaққа ўтказилади.

57. Ҳисобварақ ёпилганлиги учун ҳақ олинмайди.

58. Тижорат банкларининг ваколатли ҳисобварақлари банкларни тугатиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида ёпилади.

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

# top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 25 (206) 2009 йил 15 июнь


## КОРПУСЛИ МЕБЕЛЬ

ТАНЛОВИНГИЗГА КЎРА... ШКАФЛАР, КУПЕ ШКАФЛАР, ГАРДЕРОБЛАР, ОШХОНАЛАР МЕБЕЛИ, ЁТОҚХОНАЛАР МЕБЕЛИ, ОФИС МЕБЕЛИ, МДФ ЭШИКЛАР

ALX-75



буюртмага тайёрлаш

Т.: 746-80-72
127-80-72



Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «Норма маслаҳатчи» таҳририятининг реклама хизматига 237-51-33 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.



"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## К А Ф Е Л Ь

SANAY Co.Ltd

сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com



## МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб
офис
тиббиёт
металл каркасда
ошхона буюртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz





Товар сертификатланган

## ALTIMA

H306

Nissan Altima. Автомобилнинг юқори сифати, замонавий дизайни ва функционал имкониятлари жаҳон бозорида эътироф этилган. Такомиллаштирилган "Ниссан Алтима" салонга ички безак берилиши ва функционал жиҳозланиши билан ажралиб туради.

SHIFT_the way you move NISSAN

Нархи 24 500$ дан бошлаб* кафолат 1 йил ёки 20 000 км юриш + СОВFA

Premium Auto 295 88 77

*Нархлар божхона тўловларини ҳисобга олмасдан кўрсатилган

Ўзбекистондаги Nissan расмий дистрибьюторидан махсус таклиф



## "TOSOL-N" МЧЖ

Товар сертификатланган

АНТИФРИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ

Ички ёниш двигателлари учун СОВУТУВЧИ СУЮҚЛИК



СС МАРКАЛАРИ

"TOSOL-А3О, А40, А65, TOSOL-АМ концентрат" Ушбу махсулот этиленгликоль асосида тайёрланади, шунингдек ASTM D 3306-79 антифризи (АҚШ) аналоги хисобланади ва металлга энг кам коррозия таъсири кўрсатади. Товар мижоз хохишига қараб **5 кг, 20 кг** лик идиш ва **200 литрли** бочкаларга қадоқланади.

ТЎЛОВ НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ БЎЙИЧА

Манзилимиз: Тошкент ш., Исмоил ота кўч., 1

Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42



МДҲдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



## АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ

ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

TÜV CERT EN ISO 9001

## РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ

Тошкент ш., Қибрай (собиқ М.Жалил кўч.), 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармокли),150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz



H506

## Das Auto

Ташкилот бутун модель қаторини сотади

Тўлов – исталган шаклда

Омборда мавжуд

Товар сертификатланган

(+99890) 317-67-97, 320-50-00, (+99871) 140-00-61



Хизматлар лицензияланган

## STS LOGISTICS

SOLUTIONS TO SATISFACTION

МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда

*30 дан зиёд офис ва 300 агент*

– *транспортнинг барча турларида юк ташиш*
– *юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш*
– *импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви*

Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net





## УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www. restoran.uz



